

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOYI HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 18-MAY, shanba № 60-61 (14552)

«KAMOLOT» hududi IBRATLI TASHABBUS

Ёшлар қалбига кенг йўл

Ёшларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир йил олдин мамлакатимиз раҳбари тақлифи билан ташкил топган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш борасида кўплаб ибратли ишларни амалга ошириб ёшлар қалбига кириб бормоқда. Бунинг амалий мисоли сифатида Ҳаракат Марказий Кенгашининг ҳашар йўли билан оддий спорт майдончаларини барпо этиш борасидаги ташаббусини косонлик ёшлар қўллаб-қувватлаб чиққанлигини айтиб ўтмоқчиман.

Бизнинг 91-мактабимиз 1999 йил ишга тушган бўлиб, шу вақтгача мактабнинг спорт майдончаси йўқ эди. Ҳаракатнинг туман Кенгаши саъй-ҳаракати билан мактабимиз ёнидаги ташландиқ ердан ҳашар йўли билан янги футбол ва волейбол ўйингоҳи барпо этилди. "Камолот-чилар бундай ибратли ишлари билан ёшларимиз қалбидан кенгроқ жой олди деб айтиш мумкин.

Э.УМРЗОҚОВ,
Косон туманидаги
91-мактаб директори

ЁШЛАР БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ



Билим юртларида жисмоний тарбия маданиятини юксалтириш, талабаларни спортга оммавий тарзда жалб қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунга қадар диний таълим муассасаларида спортнинг шахмат, шашка, кураш, тош кўтариш, стол тенниси, волейбол, футбол каби турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўз имкониятларидан келиб чиқиб, республика миқёсида билим юртларида спортнинг тўрт тури: шахмат, шашка, стол тенниси ва кураш бўйича мусобақалар ташкил қилди. Мусобақалар пойтахтимизнинг "ЖАР" соғломлаштириш спорт мажмуида ўтказилди. Унда Тошкент ислом институти ҳамда ислом ўрта махсус билим юртларидан мазкур тўртта тур бўйича голибликка эришган талабалар иштирок этдилар.

Мусобақанинг очилиши маросимида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдураззоқ Юнусов қатнашчилар ва меҳмонларни қизгин кутлади.



Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмита раисининг биринчи ўринбосари Ш.Миноваров ҳам дил сўзларини изҳор қилди.

Айниқса, кураш мусобақаси мухлислар олқишлари остида жуда қизиқарли ўтди. Унда биринчи ўринни Қашқадарё вилояти "Хожа Бухорий" билим юрти талабаси Орзимурод Воҳидов, иккинчи ўринни Тошкент шаҳар "Кўкалдош" билим юрти талабаси Муҳиддин Мусулмонов, учинчи ўринни Тошкент ислом институти талабаси Ботир Аминов эгаллади.

Стол тенниси бўйича мусобақада биринчи ўринни Наманган шаҳар "Мулла Қирғиз" билим юрти талабаси Сайфидин Темиров, иккинчи

Ўртимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган жуда кўп хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳам тинчлик ва эзгулик дини — исломни "исломчи"лардан, яъни маърифий исломни сиёсийлашган жангари исломдан ҳимоя қилувчи, диний ва дунёвий билимларга эга, фидойи ёшларни тарбиялаш мақсадида диний таълим тизимини тубдан ислоҳ эта бошлади. Бугун мамлакатимизда "Имом Бухорий" номли Тошкент ислом институти (олий маъҳад) ва 10 та ислом ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсатмоқда. Дарслар дунёвий ва диний фанлар уйғунлаштирилган ўқув режаси асосида олиб борилмоқда.

ўринни Бухоро шаҳар "Мир Араб" билим юрти талабаси Абдутолиб Фозилов, учинчи ўринни Тошкент ислом институти талабаси Саидаъло Азларов эгаллади.

Шахмат бўйича биринчи ўринни Тошкент ислом институти талабаси Дилшод Умиртоев, иккинчи ўринни "Хожа Бухорий" билим юрти талабаси Сарвар Муҳаммадиев, учинчи ўринни "Мир Араб" билим юрти талабаси Мустақим Исаев эгаллади.

Шашка бўйича биринчи ўринни Самарқанд вилояти "Имом Бухорий" ҳадис илми маркази талабаси Хусниддин Тошқулов, иккинчи ўринни "Мир Араб" билим юрти талабаси Мустақим Исаев, учинчи ўринни Тошкент ислом институти талабаси Музроб Элмуродов эгаллади.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Бу каби мусобақалар билим юртларимиз ҳаётида анъанага айланаётгани киши қалбини қувонтиради.

Шухрат ИСМОИЛОВ

Бу сонда:

2-бетда
ОЛТИШ ЁШЛИ «ЙИГИТ»

3-бетда
СЕВСАНГ, ДУНЁ ГЎЗАЛ

4-бетда
МУҲАББАТ ХИЁБОНИ
ОШИКЛАР УЧУН ҚУЛПАНА

5-бетда
СИЗ БУЮКСИЗ, БИРОҚ...
«ЙИГИТЧИЛИК» ШУНДАЙ БЎЛАДИМИ?

6-бетда
СОЧЛАРИНГИЗ ТАБИАТИНГИЗДАН ДАРАК
ЎЗ ЎЗИДАН
ЁНИШ МҮМКИНИМИ?

7-бетда
ХУШ ҚОЛ...
(Кисса)
ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА
(20.05-26.05)

8-бетда
БАХТЛИ БЎЛИШ СИРИНИ БИЛАСИЗМИ?
БОШҚОТИРМА

ЖАСАД ТОПИЛДИ



Карачида Wall Street Journal нашриёти журналисти бўлмиш Даниэл Перл танасининг бўлакланган аъзолари топилди. Уни январь ойида экстремистлар ўғирлаб, туқунликда сақлаётган эдилар. Кейинчалик АҚШнинг Карачидаги бош элчихонасида унинг қатли этилган пайти тасвирга туширилган видеотасма жўнатилди. Шунга асосланиб, 12 февралда Аҳмад Умар Саид Шайх ва унинг уч нафар шеригининг қўлга олинди. Энди улар устидан суд жараёни бошланди. Улар яна бошқа хорижликларни ўғирлашда ҳам айбланиптилар.

Исломобод АҚШ ҳукуматининг уларни қайтариш ҳақидаги талабини рад этиб, бу масалани фақат суд жараёни тугагач, кўриб чиқишини маълум қилган.

ЎН КИШИ ҲАЛОК БЎЛДИ



АҚШ вертолётлари Афғонистоннинг Бал Хил қишлоғига ҳаводан ҳужум қилдилар. Бу пайтда қишлоқ аҳли тўй маросимида йиғилган ва ўз урф-одатларига кўра осмонга қарата митқлардан ўқ отишган. Ўқ овозини эшитган АҚШ ҳарбийлари террористлар ҳужум қиляпти, деб ўйлаб қишлоқни бомбардимон қилишган.

Натижада ўн киши ҳалок бўлиб, ўнлаб тинч аҳоли жароҳатланган.



НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК

Баграм авиабазасидаги Британия ҳарбийлари ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган касалликка чалиндилар. Ҳозирга қадар ҳарбийларнинг 40 нафари шу касалликни юқтирган. Улардан 8 нафари оғир аҳволда бўлиб, Буюк Британияга жўнатилди.

Касаллик ич кетиши, қусиш ва юқори ҳарорат билан кечяпти, деб хабар берди подполковник Бен Карри. Ўз белгиларига кўра бу касаллик менингит ёки терламага ўхшайди. Ҳозир ҳарбий базада карантин эълон қилинган.

Интернет хабарлари асосида
Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА
тайёрлади



Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги вакиллар, диний таълим муассасалари мудирлари, Тошкент шаҳар жомеъ масжидлари имом хатиблари ҳамда Дин ишлари бўйича кўмида ходимлари иштирокида кўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ислом динининг асл моҳиятини фуқароларга тўғри тушунтириш, уни зарарли, нотўғри талқинлардан сақлаш, ҳукуматимиз томонидан фуқароларимизга яратилаётган эркинликлар ва амалдаги қонунларга оғишмай амал қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Асосий маъруза билан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Хусниддинов икки муҳим масала, бир томондан тинчлик ва эзгулик дини-исломни "исломчи"лардан, яъни маърифий исломни сиёсийлашган жангари исломдан ҳимоя қилиш зарурлиги, иккинчи томондан, кўпмиллатли, кўпдинли жамиятимизда эътиқод эркинлиги қафолатланган шароитда айрим жамоаларнинг миссионерлик руҳида фаолият юритишлари юртимиздаги миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида гапирди.

Нотиқ Ўзбекистонда қонун томонидан таъқиқланган миссионерлик ва прозелитизмнинг юзага келиши, кўпчилиги мусулмон бўлган туб аҳоли орасида ташвиқ ва тарғиб қилиниши Имом Бухорий, Имом Термизий каби ислом таълимотига улкан ҳисса қўшган буюк зотларнинг авлодларига номуносиб эканлиги, мусулмон дунёси олдида ўзбек халқининг обрўсизланишига олиб келиниши тушунтирди. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда имом хатибларнинг маърузалари таъсирчанлигини янада ошириш, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳоли билан мулоқотлар ўтказиш, кам таъминланган оилалар, ногирон ҳамда боқувчиси бўлмаган қарияларга хайрия-эҳсонлар тарқатиш йўли билан моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш зарурлигини уқтирди.

Маърузада, шунингдек, диний таълим тизимида диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўргатилиши ўқув жараёнини янада ўзгариштириш, яқин малакали исломшунос мутахассис ва имом-хатиблар тайёрлаш имконини бериши, бу эса ўз навбатида мазкур соҳадаги баъзи камчиликларни бартараф этишда муҳим омил эканлиги таъкидланди. Бу йўналишда етарли моддий техника базаси яратилганлиги, ўқув юртлари компьютер ва информатика хоналари билан жиҳозлангани, турли касб-хунарлар бўйича ихтисосликлар очилгани диний таълим тизимини давлат стандартларига яқинлаштирилаётганидан дарак беради.

Маърузачи Ўзбекистон мусулмонлари идораси фаолиятидаги муайян

МУҚАДДАС ДИНИМИЗНИ АСРАЙЛИК!



Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат

камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтди. Яратилаётган имкониятларга қарамасдан, баъзи билим юртларида ўқитиш сифати паст. Битирувчиларнинг энг аълочилари имтиҳон қилиб кўрилганда, билим савияси саёз эканлиги, ўқувчи ва ўқитувчилар ўз устларида яхши ишламаётганликларининг белгисидир.

Жума маърузалари хусусида Ўзбекистон мусулмонлари идораси фатво бўлими томонидан тайёрланган маъруза тезислари тарқатилаётганлигига қарамасдан, жойлардаги баъзи имомлар бунга совуққонлик билан ёндашуви сабабли маърузалар таъсирчанлиги сезилмаяпти. Бунинг олдини олиш учун имомлар доимий равишда ўз малакаларини ошириб боришлари лозим. Жамоатчилик билан ишлашда оммавий услуб билан бир қаторда, яқна тартибда ишлаш зарур, яъни ҳар бир мурожаат жавобсиз қолмаслиги уқтирилди.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси нашри бўлган "Ислом нури" газетаси ва "Ҳидоят" журналида доимо бир хил муаллифларнинг мақолалари босилмоқда, бошқа имом-хатибларнинг чиқишлари кам бўляпти. Улар тез-тез ўз мақолалари орқали бугунги кунда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдириб туришлари зарур. Дозим бўлса, телекўрсатув ва радио-эшиттиришлар тайёрлашда бевосита иштирок этишлари мақсадга мувофиқдир.

Сўзининг охирида маърузачи фақат Хотира ва Қадрлаш кўни муносабати билан эмас, балки мунтазам равишда жойлардаги кам таъминланган, етим-есир, ногирон, боқувчисини йўқотган ҳамда табарруқ ёшдаги қарияларга хайр-эҳсонлар уюштириш лозимлиги, қилинадиган эҳсонларни муҳтожларга бериш савоблироқ эканлигини таъкидлади.

Маъруза бўйича муҳокамада Вазир-

лар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмида раисининг биринчи ўринбосари Ш.Миноваров, Ўзбекистон мусулмонлари идораси таълим бўлими мудир Ж.Нуриддинов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А.Юнусовлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси А.Баҳромов Юртбошимиз томонидан динимизга кўрсатилаётган оталарча ғамхўрлик ва эътиборга миннатдорчилик билдирди: "Ватанимиз обод бўлиб, динимиз озодлик насимидан баҳраманд бўлди. Мусулмонлар билан бир қаторда бошқа дин вакиллари ҳам ўз диний маросимларини эмин-эркин бажара оладиган бўлдилар. Ватанимизда тинчлик-осойишталик қарор топди. Бу тинчлик-

нинг қадрига етайлик, уни асрашга ўз ҳиссамизни қўшайлик. Шунча имкониятларни яратиб бераётган давлатимиз раҳбарининг хайрли ишларида Аллоҳ таолонинг ўзи мададкор бўлсин".

Республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган одилона миллий сиёсат туфайли мамлакатимиздаги барча миллат ва дин вакиллари ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик шароитида ҳаёт кечираётган бир пайтда баъзи ташкилотлар миссионерлик фаолиятини кучайтириб, жойларда диний адабиётлар тарқатиш, инсонларнинг диний эътиқодини ўзгартириш, бошқа динларга жалб қилиш мақсадида даъват ишлари билан шуғулланаётгани каби салбий иллатлар олдини олиш бўйича муайян кўрсатмалар берилди.

Масжидлар қошида ташкил этилган китоб савдоси, уларда сотилаётган адабиётларни тартибга келтириш, адабиётларни бизнинг маънавий ҳаётимизга, миллий истиқлол ғоясига ҳамоҳанг бўлишини назорат қилиш масжид имом хатиблари зиммасига юкланди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасига масжид, мадраса ва қабристонларда ободончилик ишларини йўлга қўйиш, намозхонларга янада қулай шароитлар яратиш, жума маърузаси тезислари сифатини яхшилаш ва ўз вақтида жойларга етказиб бериш тавсия этилди.

Йиғилиш сўнггида кўтарилган масала ва муаммоларни адолатли ҳал қилиш ва улар ечимини юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, зарур вазифалар белгилаб олинди, фуқароларимизга эътиқод эркинлигини эмин-эркин амалга ошириш учун барча шароитларни яратиб берилган давлатимиз раҳбари бошчилигидаги ҳукуматга миннатдорчилик билдириб, дуои хайрлар қилинди.

Элдор ИБРАГИМОВ

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТДИ

Билимдон ва зукко ёшлар юртимизни дунёга танитувчи муносиб фарзандлар бўлиши билан бирга нурли келажак эгаларидир. Шу боис ҳам бугунги ёшларимиз ҳар томонлама етук, интилувчан ва маънан баркамол инсон бўлишлари лозим. Баъзан мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг иш ва ўқиш фаолиятидаги турли тадбирлардаги иштироки кишини қувонтиради. Ўзбекистон Миллий Университети "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган факультетлараро "Қувноқлар ва зукколар" беллашувининг қизгин ва кўтаринки руҳда ўтганлиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди. Беллашувда ҳуқуқшунослик, хорижий филология, тарих факультетларининг жамоаси ўз чиқишларида ҳажв остига олинган талаба муаммолари, инсоний фазилатларни акс эттирган саҳна кўринишлари билан барча томошабинларни хушнуд қилишди. Беллашувда голиб деб топилган ҳуқуқшунослик факультети жамоасига бош ҳомий "Office market" савдо маркази ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг университетдаги бошланғич ташкилотининг турли есдалик совғалари тақдим этилди. Бўлиб ўтган тадбир туфайли кўплаб талабаларнинг зукколиклари ва маҳоратлари кишилар эътиборига тушди.

Янги истеъдодли ёшлар кашф этилди. Шоира БОЙМУРОВА, талаба

ЁШЛАР ҚАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Урганч шаҳар Кенгашини умумтаълим мактабларида қизиқарли тадбирлар уюштирмоқда. Чакриққача бўлган ёшларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан комил инсон бўлиб вояга етишида маърифий тадбирлар ва спорт беллашувларининг аҳамияти чексиз. Шу боисдан ҳам "Ватанпарвар" ташкилоти Урганч шаҳар Кенгашини ўз ўрнини ўқув масканларида деб билмоқда. Умумтаълим мактабларида ёшларни чакриққача ҳарбийга тайёрлаш дарс соатларига кўмаклашувчи бундай кечалар ва мусобақалар ўз самарасини берапти.

—Амалдаги ўқув йилида узлуксиз равишда мактаблараро "Шунқорлар" беллашувини ўтказилганда, — дейди биз билан суҳбатда Кенгаш раиси Исроиил Ботиров. — Беллашув иштирокчиларини етарли қўлланмалар, махсус либослар ва анжомлар билан таъминлашни ўз зиммасига олганмиз. Кенгаш фаолиятига назар солар эканмиз, унинг иш услубида маънавий дастурлар ҳам алоҳида ўрин эгаллаганини кўрдик. "Хоразм қахрамонлари", "Урганч-350" каби китобларнинг нашр этилишига ҳомийлик қилгани ва "Ватан ягонадир" мавзuida иншолар конкурсининг ўтказилаётганининг ўзи "Ватанпарвар" ташкилоти Урганч шаҳар Кенгашини назаридан ёшлар камолоти масаласи четда қолмаётганини англаш қийин эмас.

Эрпўлат БАХТ

Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини Наманган вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда Чуст шаҳрида "Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг услубий масалалари" мавзуида сайёр семинар ўтказди.

Анжуманда миллий истиқлол ғоясини маҳалла ва қишлоқларда, ишлаб чиқариш корхоналарида кенг халқ билан очик мулоқотлар шаклида тарғиб қилишнинг самарали воситалари, бу ишга ёзувчилар, шоирлар, олимлар, санъат ва жамоат арбобларини жалб этиш, уларнинг илмий ва ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айни чоғда семинарда миллий истиқлол ғоясини аниқ таҳлилий, ҳаётий мисоллар билан оддий, лўнда қилиб тушунтириш, халқимизнинг бунёдкорлик ишларини кўрсатиб бериш, ҳар бир инсон, айниқса ёшларнинг жамиятда амалга оширилаётган ислохотларда фаоллигини таъминлаш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Феруза САЙДАМАТОВА

Ibrat

ОЛТМИШ ЁШЛИ «ЙИГИТ»

Омонулла акани ёшлар, айниқса болажонлар яхши танишади. Экранда кўриниши биланоқ ойна жаҳонга яқинроқ боришади. Сабаби, у кишининг серзавқ суҳбатлари ва айтган эртақлари аллақачон болаларимизнинг қалбидан ўрин олган.

Бундан ташқари Омонулла Мадаев Ўзбек фольклоршунослиги ва адабиёт ўқитиш методикаси фани тараққиётига муҳим ҳисса қўшган, Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети, ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасининг доценти, таниқли олим ва талабаларнинг жонқуяр мураббийи ҳам саналади. Буни қарангки йигитлардек серҳаракат домла 60 ёшга кирибди. Шу баҳона устознинг ҳаёт йўлига бир назар солишга ҳаракат қилдик.

Дарҳақиқат Омонулла ака ҳам олим ҳамда моҳир педагог сифатида кенг қамровли фаолият кўрсатиб, инсоний фазилатларни ўзида мужассам эта олганки, улардан ҳар бир мураббий ўрнак олгиси келади. Улар дарс бериш жараёнида ўқувчи ёки талаба-

лар оммасининг маънавий оламига тез кириб боради. Устознинг тадқиқотлари, айниқса, методик асарлари, 70 дан ортиқ илмий мақолалари, 2 та монографияси, 3 та дарслик, 19 та илмий, 9 та ўқув-услубий, 2 та таржима ишлари ўз ўқувчисини топиб бўлган. Кейинги йилларда тадқиқот йўналишлари бўйича қилган монография ва мақолалари кенг жамоатчилик оммасини ўзига жалб қилди. Жумладан, "Алпомиш билан суҳбат", "Ватан туйғуси қадриятларда" ва "Стереотиплар, муаммолар, ечимлар" (инглиз тилида).

Услубий ишлар бўйича эса "Алпомиш" дostonининг матнини ўрганиш методикаси", "Ўзбек халқ оғзаки ижоди" курсининг маърузалар матни, "Назм дарслари", "Ўзбек халқ оғзаки ижоди" ўқув қўлланмаси ва "Халқ оғзаки поэтик ижоди" дарслиги нафақат ўқувчилар, талабалар, ўқитувчилар, илм аҳлининг диққат марказида турибди.

У киши Миллий университетда дарс беришлари билан бирга радио ва телевиденияда муттасил ра-

вишда ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ўзбек маданиятини мактабда ўқитиш мавзуларида қатнашади, болаларнинг сеvimли кўрсатуви бўлган "Қамалак"ни олиб боради.

Омонулла Мадаевга 1990 йилда "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" ва 1995 йилда университет илмий кенгашининг қарорига биноан "ТошДУ моҳир педагоги" унвони берилган.

Устоз Омонулла аканиннг шоғирдлари республикамизнинг кўплаб олий ўқув юртлари, коллежлар, мактаб ва академик лицейлари ҳамда илмий муассасаларида меҳнат қилмоқдалар. Кўзга кўринган олим, мураббий устозимиз қизгин меҳнат ва ижод қўйнида.

Биз сермаҳсул олим, мураббий, ташаббускор ва хайрихоҳ, талабчан устозга доимо соғу-саломатлик истаб ва илмий педагогик фаолиятларига янгидан-янги ижодий ютуқлар тилаймиз.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ, Тожихон СОБИТОВА



San'at olami

Қизлар нима учун ойнинг бир бўлагидай қулоқларига шабнам томчиси мисоли исирга тақиб суюнишади? Кайвонилар унинг чор тарафига палак, сўзаналар осиб завқланишади. Нима учун оппоқ деворларга ганчдан турфа шакли гуллар солишади? Хонтахталар, эшик, деразаларга нақш туширишади? Бу "нега", "нечун"лар жавобини инсон қалбидан, унинг орзу-интилишларидан излаш керак.

Одам боласи ўзини, ўзи яшаган замон ва маконни мукамаллаштиргиси келади. Чиройли қилгиси, бошқаларга гўзал кўрсатгиси келади. Аслида уй тоқчаларидан тортиб, бугунги энг замонавий жавонларга терилган сопол кўзалардан биллур идишларгача бари-бари кишининг ҳамиша кўркамликка талпинган ва ундан яшашга қувват олган қалбининг манзараларидир. Санъат-ором олиш, чалғитиш воситаси эмас, инсонни ҳаётга боғловчи қудрат. Бу ҳақиқатни санъат майдонига қадам босган талабалар ҳам аниқ ҳис қиладилар.

Раъно Сайфуддинова - Республика Бадий коллежи амалий санъат бўлими мудири:

—Бизнинг жуда кўп йиллик анъаналарга эга ўқув масканимиз, ҳар куни

келишмайди. Мисгарликми, наққошликми, ранг тасвирми-ўзининг тақдирини санъат ёки хунарнинг аниқ бир тури билан боғлаган 16-17 ёшли йигит-қизлар келишади.

Бола қалбида гўзалликка уйғонган муҳаббат-маънавиятнинг жуда катта бойлиги. Гўзаллик яратишга интилиш-бу дунёнинг энг яхши ҳаракати. Биз ўқиш мобайнида талабаларимиз қалбидаги ана шу ҳавас чўғларини алангага айлантиришга уринамиз. Бизда академик Ортиқ ака Файзуллаев, Светлана Маматқазина, Носир Султонов каби ўнлаб фидоий устозлар ёшларга ихлос билан сабоқ беришади.

Амалий санъат, рангтасвир маълум маънода жисмонан ва ақлий меҳнат бирлаштирмасидан ҳосил бўлади. Бу соҳаларни эгаллаш учун ёшлар истеъдодли, билимли, тасаввур, ҳаёлотлари бой, айни чоғда соғлом бўлиши керак. Чунки, кўз, қўл, юрак—барча аъзолар баравар ишлайди.

Мен бошда ўз коллежизмининг эркин руҳи ҳақида гапирдим. Хурлик энг аввало санъат кишисига

керак. Шунинг учун биздаги устозлар билан талабалар ўртасидаги муносабатлар бошқачарок. Бизда инсоннинг фикрига жуда катта ҳурмат билан қаралади, йўқса талаба 15-16 ёшидаёқ ўзини йўқотиб қўйиши мумкин.

Айрим ҳамкасбларимиз биздаги ўқиш услуби, ҳар

—Устозларимиз билан мулоқотлар, ўз соҳамизга чуқурроқ кириш жараёнида шуни билдикки, либос ҳар қайси халқнинг бирламчи маданияти экан. Либоснинг ҳар чоки, ҳар чизгисиди миллат руҳи бор. Масалан, нима учун қизларга узун, тор либос кийдирилган ва

муҳими-булар эмас. Энг муҳими, биз доим туйғулар денгизиди яшашимиз. Тўғри, ҳар доим ҳам қўлимизга қалам олиб чизавермаймиз, тарих, одам анатомияси каби фанларни ҳам чуқур ўрганамиз.

Одам ўзи қилаётган ишининг бир қисмига айланади, дейишади. Биз рангларни табиатдан нусха кўчира-миз. Дарахлардаги, гуллар, гиёҳлардаги турфа рангларни кузатиб, энтиқиб кетаман. Наҳот дунё шу қадар гўзал! Севсанг, янаям гўзаллашади!

Ҳаётимизнинг бутун мазмуни мана шу фалсафага боғлиқдай туюлади.

Алижон Асенов-наққошлик бўлими талабаси:

—Баъзан, бу жуда нафис санъат, ўғил болаларга кўпроқ чавандозлик, темирчилик, футбол ўйини каби соҳалар мос келади, дейишади. Тўғри, ўғил бола келажакда оила бошлиғи. У жисмонан кучли бўлиши шарт. Аммо, у санъатни ҳам

жуда теран тушуниши керак. Коллежизмизда бадий кулолчилик, ўймакорлик, шиша беага, ҳатто мусиқа асбобларини яшаш бўлимлари ҳам бор. Уларнинг асосий талабалари - ўғил болалар. Мен уларнинг бутун кучи юрагида, тасаввурларида деб биламан. Ва бу кучга жуда ишонаман. Гарчанд наққошлик хунар деб

аталса-да, мен миллий нақшларимизда санъатнинг юксак намуналарини кўраман. Киши оддий чизикларни бирлаштириб, ҳайратга соладиган бир мўъжиза яратади. Ҳатто шу фикрнинг ўзи ҳам одамга қанча қувонч бахш этади.

Бизнинг устозимиз Ҳаким Мирзааҳмедов: "Агар одам боласи қаттиқ ишониб, интилса, нияти пок бўлса, ҳар қандай ўзгармас деб ўйланган шаклдан ҳам гўзаллик ярата олади", дейди.

Яратишга камарбаста бўлиш-аввало йигитларнинг иши. Шу маънода мен тенгдошларим, укаларимнинг санъатни, хунарни шунчаки қизиқиш эмас, ҳавас эмас, ҳаётни яхлитлаштирувчи бир омил деб қарашларини хоҳлардим.

...Талабалар, уларнинг устозлари ҳузуридан кўнглим ўсиб чиқади. Ахир қайси бир кимсалар "Ҳамма нарсени зўру зар ҳал қилади", деган ўз нуқтаи назарини атрофдагиларга сингдириб яшаётган лаҳзада новдадайгина йигит-қизлар "Севсанг дунё ўзгаради, гўзаллашади" деб кўзла-

СЕВСАНГ, ДУНЁ ГЎЗАЛ



қадамлаб чиқадиган зиналаримизда, қуёшга кенг очилган дарчаларимизда санъат руҳи бор. Бизга тасодифий ёшлар

бир талаба билан индивидуал ишлашнинг шаклланган ҳолатига қараб, ҳавас қилишади, нусха кўчирмоқчи бўлишади. Йўқ, ҳар бир ўқув дарғоҳининг ўзи-ўзини меҳнат билан яратиши керак, деб ўйлайман. Шунда коллеждардан бири бирини айнан такрорлайдиган мутахассислар эмас, балки алоҳида-алоҳида шахс сифатидаги инсонлар, кадрлар чиқади ва бу хилма-хиллик ҳаётда, санъатда бизга жуда асқотади.

Санобар Бобоҷонова—либос модельер бўлими талабаси:

нега бу урф қайта-қайта қайтиб келаверади? Чунки бу урфдаги кийимлар қизларни майда қадам ташлаб, чиройли юришга ўргатган.

Демак, либоснинг биргина мазмунида бутун бир миллатнинг гўзалликка интилиши акс этади.

Зухра Хўжаева—либос модельер бўлими талабаси:

—Бизда ҳаёт жуда қизиқарли. Турли танловлар, байрамлар ўтказилади. Фолиблар рағбатлантирилади. Аммо энг



рини порлатиб турса... Сиз ўзингизга ишонгандай, биз сизга ишонамиз!

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

ЭЪЗОЗЛАГАНЛАР ЭЪЗОЗЛАНСИН



Маҳбуба ая Усмонова шу кунларда етмиш тўрт баҳорни қаршиламоқда.

Унинг болалиғи уруш даврига тўғри келган. Бир бурда нон топиш учун 12 ёшидан далага отланади. Онасига укаларини боқишда кўмаклашади. Аввалига оиласидан, кейинчалик икки нафар фарзандидан айрилиб, инисининг болаларини ўз фарзандидек, бутун меҳри билан тарбиялаб вояга етказди.

—Шундай кунларни кўриш насиб этганлиги учун шукрлар айтаман, юртимиз доимо тинч бўлсин, сиз болаларимга узоқ умр берсин, мамлакатимиз, шаҳарларимиз бунданда чиройли бўлсин. Биз қарияларни қадрлаган, эъозлаган эъозлансин, — дейди Маҳбуба ая.

Нозим ХЎЖАКУЛОВ

Кўпчилигимиз ҳар ҳафта интиқ бўлиб кутадиган "Бахтли воқеа" деб номланган кўрсатув бор. Унда ҳар гал янграйдиган кўшиқ ҳам аксарият мухлислар қалбидан жой олган. Хонанда яхши ниятлар билан:

Бахтли воқеалар бўлсин, Хамманинг ҳам кўнгли тўлсин, Ютуқ чиксин "Тико", "Дамас".

Юртим шодликларга тўлсин! деб қўйлайди. Юртимиз шодликларга тўлишини хоҳлаб хониш қилаётган санъаткорга берган илк саволимиз ҳам айнан шу кўшиқ ҳақида бўлди.

— Бундан тўрт йил аввал, телевизорда "Бахтли воқеа" кўрсатувини кўриб, менда шу кўрсатув боп кўшиқ яратиш истаги пайдо бўлди. Кўрсатув тугагунча кўшиқ сўзлари ҳам пайдо бўлди. Шеърга бастакор Дилмурод Маткаримов мусиқа басталади. Кейин иккаламиз биргалашиб унга мусиқий сайқал бердик. Шушу бу кўшиқ кўрсатувнинг калитига айланиб қолди.

— **Билишимизча, сиз иқтисод фанлари номзодисиз. Шу билан бирга ички ишлар соҳасида ҳам хизмат қиласиз. Қолаверса, истеъдодли хонанда сифа-**

тида ҳам мухлисларингиз ортиб бормоқда. Булар—

БАХТЛИ ВОҚЕАЛАР БЎЛСИН!

Истеъдодли хонанда Собиржон Нуриддинов билан суҳбат

нинг бари бир кишига кўплик қилмайдими?

— Доно халқимизда: "Бир йигитга қирқ хунар оз" деган нақл бор. Мен ҳам қўлдан келганича ҳар соҳада ўзимни синаб кўришга ҳаракат қиламан. Тўғриси, ички ишлар соҳасида ишлашга ёшлигимдан қизиқардим. Хизмат либосини кийсам, иччимдан фахрланиб кетаман. Иқтисодни билган одам ҳам ҳаётда ютказмайди, деб ўйлайман. Шунинг учун озми-кўпми изланиб "Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш" мавзусидаги номзодлик ишини ёқладим.

Санъат соҳасига келадиган бўлсак, ўзим шеър ёзмасдан ёки кўшиқ қўла-масдан туролмайман. Яқинда, "Ўзбекистоним менинг" деб номланган шеърлар китобини ҳам мухлисларга тортиқ қилмоқчиман. Яратган кўшиқларимизнинг аксариятининг шеърини ўзим ёзганман.

— **Хонанда сифатида фонограммага муносабатингиз?**

— Бугун кўпчилик яхши шеър, яхши кўшиқ кам дейди. Ёки ёш хонандаларнинг фонограммада куйлашаётганидан ёзгиришади. Мен буларнинг барчасини ўтиш давридаги ҳодисалар, деб ҳисоблайман. Вақтлар ўтиб торчи, гижжакчи ёки найчи каби мумтоз мусиқачиларимизнинг яккахон концерт ўтказадиган пайтлари келади.

Мен биргина "Мен ҳам санъатни севаман" аудиоальбомини тайёрлаш учун бутун номзодлик ишимга кетганча куч сарфладим, десам муболаға қилмаган бўламан. Демокчи-манки, бошловчи санъаткорларнинг вақтинчалик фонограммдан фойдаланишларини кечириб керак. Чунки мен ўзим озми-кўпми санъатнинг ичида юриб, унинг қанчалар машаққатли эканини ҳис қилдим. Асосийси, улар ҳам изланмоқда, ижод қилмоқда. Уларни

йўлга солиш ва қўллаб қувватлаш керак.

— **Сизни нималар ўйлантиради?**

— Халқимизга хорижнинг кўплаб кўшиқлари ёд бўлиб кетган. Ҳатто ёш болаларимиз ҳам хиргойи қилиб юришади, лекин ўзимизнинг мумтоз, умрбоқий кўшиқларимизни яхши билишмайди. Истагим, бизнинг кўшиқларни нафақат ўз фарзандларимиз, балки чет эллик санъат шайдолари ҳам дилдан тингласалар дейман.

— **"Халқлар Дўстлиги" саройида бўлиб ўтган "Мен ҳам санъатни севаман" концерт дастури ҳақида ҳам тўхталсангиз?**

— Бу менинг илк яккахон концертим бўлди. Дастур режиссёри Фарход Аҳмедов, рақсларни "Баҳор" рақс ансамбли раҳбари Маъмура Эргашева сахналаштирган. Ушбу дастур учун мен айнан эгизаклар ҳақида кўшиқ тайёрлагандим. Унда юртимизнинг турли жойларидан келган элликдан ортиқ эгизакларнинг чиқишлари барча учун қутилмаган янгилик бўлди.

Хуршидбек РЎЗИЕВ суҳбатлашди

Ҳозир деразадан боқиб, яна сен ҳақингда ўйлаяпман. Кўк ҳам мен каби тўкаётган кўз ёшларини қаерга яширишини билмай ҳайрон.

Юрагимга "Ундан умидингни уз, барибир унга тенглашолмайсан!" дея буйруқ бераману, лекин унуттишга иродам етмайди. Чунки сен менинг юрагимсан, уриб тур-



КЎКСИМДАГИ КЎКЛАМИМ

хаёл юр-қошинга элтармиди?! йўлларнинг бари "фироқ" дея атал-ёрилган. Бу симтўрларнинг "қисмат" дея аталмиш заҳарли тиканлари мени ёнингда йўлатмайди. Улар менинг оқиқ дилимдан ўрин олган муҳаббатимга аёвсиз санчилади.

Леким шунда ҳам қачонлардир мени излаб келишинга умид қилиб яшайман. Ана шу умид мени ҳаётда тутиб тургандек бўлади гўё... Сенинг қаерда эканингни билмайман. Балки ўз бахтингни ахтариб қаерлардадир сарсон кезиб юргандирсан. Ахир сенинг бахтинг менман-ку! Ахир, мен сенинг айтилмаган қўшигингманг-ку! Сен очмаган сирларингни юлдузлар гам билан сўзлади менга. Мен учун узишинг керак бўлган гуллар эса гулзорда узилмай сўлди. Сен менга айтишинг керак бўлган сўзлар юрагингда қовжжиради. Мен эса сенинг шу гапларингни кутиб, гўзал тонларга сиғиниб яшайман...

Хулқар ҚУРБОНОВА, талаба

ган юракни эса йўқ деб ҳис этиш мумкин эмас, асло! Хаёлларимга эрк берганим ҳамон улар сени излаб қолади. Аммо ган кўчалар сенинг Энди сенга элтувчи ган симтўрлар ила



ДИЛДАГИ ОҲИМ МЕНИНГ

Одатда, кўкларнинг илк элчиси ташрифи билан момоларимиз эзгу ниятлар йўлида қизалоқларнинг кулоқларини тешишади. Хонқизи ҳам гўё Момо Ҳаво меросидан андоза олгандек, қоқ тушда барриқон қизалдоқзор оралаб, уларнинг алвон барларини бирма-бир теша бошлайди...

Шундай сертароват кунларнинг бирида Муҳаббат билан Ғолиб бир-бирларига дил иззори қилишганди. Муҳаббат Ғолибга ҳавас учун кўнги қўйгани йўқ эди. Ойдин кечалардаги ширин сўзлари-ю, қайноқ бўсаларни ҳам шунчаки бағиншламаганди. У юрагининг қат-қатида йиллар оша яшириниб ётган олий бир туйғунинг эвазигагина севганди.

Муҳаббат Ғолиб билан оддийгина бир вазиятда танишган, сўнг эса икковлари афсонавий севишганлар каби буюк ОРЗУ ва КЕЛАЖАК кашф этилган эди. Қиз йигитнинг диладаги "сир-синаот" ни тўлиқ англаб етолмаган бўлса-да, унга бутун борлиғи билан ишонган, қалбидаги ана шу ишончи туйғуни ҳам унга соф муҳаббатини, дил розлари-ю, гунча лабларининг болини ҳая этганди...

Аммо, не ажабки, фасллар келинчаги заминни яна бир бор ўз сепи билан беаган чоғда севги аҳди поймон, кўнги қулбаси вайрон бўлди. "Ғолиб Муҳаббатга эмас, бошқа қизга уйланаётган эмиш!" — деган шов-шув тез орада бутун қишлоққа тарқалди. Айниқса, уларнинг содда ва самимий севгисига ҳавас билан қаровчи айрим ўспирин йигит-қизларга бу

шов-шув жуда қаттиқ таъсир қилди. Бирок, начора?! Кимларнидир таажжубга солган, кимларнидир ранжитган бу ҳол кимларгадир маъқул келганди ҳам...

Маъсума қиз ҳижронинг узун тунларини севгисига содиқ қололмаган маҳбубига йиғлаб-йиғлаб бахт тилаш билан ўтказди. Унинг чеккан азобларини сўз билан ифодалаш маҳол эди, зеро одам боласи учун ишонган кишининг хиёнатидан ортиқроқ бахтсизлик бўлмаса керак...

Муҳаббат кунлар ўтиб айрилиққа кўнқиди, тақдирга тан берди. Аммо ишқдан воз кечган қиз учун ҳам, унинг покиза қалби учун ҳам тамомила зид бўлгани боис у ҳамон сўйганининг сиймосини юрагининг энг теран ерида сақлайди.

... Ҳар йили баҳор келганда хиёнатдан бағри доғланган бу қизни қийрос гулга кириб, кўкларнинг хузурбахш шаббодасида эркаланиб чайқалаётган ўрикзорда учратасиз. Бу ерга келиши билан унинг кўзлари ёшларга тўлади, лаблари нималарнидир унсиз пичирлай бошлайди. Негаки, бу ўрикзор — Ғолиб Муҳаббатга, Муҳаббат эса Ғолибга ик бор севги изҳор этган бор...

Уша дамда сиз тизгинсиз, айна чоғда тилсимли хаёл оғушида қолган бу қизга бирор сўз билан тасалли беришга журъат этолмайсиз-у, беихтиёр кўнглингизга шoir биттан сатрлар келади:

Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим...

Исмаи ЖҮРАЕВ, Қашқадарё вилояти

ИШҚ ШАРОБИ (Катра)

ром этган шароб бе-шафқатлик маҳсули бўлса-я! Балки шунинг учун шароб кишини алдамчи хаёлларга ботириб, шафқатсизлик қилишга ундар?! Тўхта, азизам! Сен нигоҳингни қадаҳга эмас, балки уни узатаётган кимсаларнинг юзларидаги кўз илғамас ниқобларга узат! Шояд шунда оёғинг остида бечора узум мисол бешафқатларча эзгилашиб ётган ҲАҚИҚАТни илғасанг!!

Ҳа, фақат шундагина атрофингдагилар сенга шароб эмас, балки шафқатсизлик билан эзгилашган ҲАҚИҚАТнинг қонини узатаётганларини пайқар эдинг. Шундагина ҲАҚИҚАТ бағридан паноҳ топган ишқ тўла ҚАЛБнинг ўз ҳомийси топталгани туйғули чекаётган нолаларини эшитган бўлардинг. Шундагина қўлинг-даги қадаҳда майин чайқалиб турган суюқликнинг шароб эмас, балки ҲАҚИҚАТнинг қони ва ҚАЛБнинг аччиқ кўзёшларидан иборат бўлган зардоб эканлигини англаб етардинг...

Кўй, азизам, сен бу қадаҳга қўлингни узатма, бу "шароб"ни ичишдан парҳез қил. Зеро, ҲАҚИҚАТ ва ҚАЛБга қилинган бешафқатликнинг маҳсули бўлган бу "шароб" айна дамда сени қийнаётган саволларга жавоб тоғиб бера олмас! Дилингдаги сен "ғусса" деб ҳисоблаётган туйғулардан халос эта олмас. Аксинча, сени жавобсиз саволлар ва ҳақиқий, сен ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган ғуссалар домига ташлар! У сенга атрофингдаги кишиларнинг асл қиёфаларини кўрсата олмас, аксинча, уларнинг юзларидаги ниқоблар сони ва салмоғини яна-да оширар!

Энг асосийси, ҳали ҳеч кимни ўз истаган манзили сари етказганидек, бу "шароб" интилаётганинг — БАХТга сени етказолмас!!

Бундай "шароб"дан парҳез сақламоқ даркор, азизам! Сен фақат соф ҚАЛБга зута олувчи ИШҚ ШАРОБИдан баҳра олишга интил. Тера, у ИШОНЧнинг қалбидан қайнаб чиқувчи маъсумликдир...

Масъуд ТУРСУНЗОДА



Ҳаёт қизик: йигитлар етмишта қизга гап отиб, биттасига уйланадилар, қизлар етмишта йигитга ноз қилиб, биттасига турмушга чиқадиладар. Аммо кўнги қўйган кишингиз билан биринчи учрашувнинг ҳаяжонни барибир ўзгача бўлади. Севиб қолсангиз, ҳатто ёқтирган кишингизни учрашувга таклиф этиш ҳам сиз учун улкан муаммага айланади. Шу боис бугун сизга бу масалада бироз ёрдам кўрсатиш мақсадида ушбу қўлланмани битишга аҳд қилдик...

Йигитлар учун: Дейлик, сиз бир қизни жуда-жуда ёқтириб қолдингиз, ҳаётингизни усиз тасаввур этолмайсиз. Унга бор гапни айтиш мақсадида учрашувга таклиф қилмоқчисиз. Бирок ҳар кун ишхонада (кўчада, транспортда, институтда) учратаётган бўлсангиз-да, ҳар қалай, руҳан бегона бу қизни учрашувга қай йўсинда таклиф қилиш мумкин? Аввало, қизни воситачи-сиз, шахсан ўзингиз учрашувга таклиф этишингиз керак. Чунки қизларга йигитлардаги қатъият, мардонаворлик кўпроқ ёқади. Бунинг устига, анчадан буюн кўз-кўзга тушаётгани учун қиз ҳам сиз ҳақингда айрим маълумотларни тўплаган бўлиши эҳтимолдан холи

эмас. Шу боис учрашув тўғрисидаги таклифнинг воситачисиз айтилиши сиз ҳақингизда четдан тўпланган маълумотлар ичида қизни иккилантириб турган жиҳатларни бартараф этишга хизмат қилиши ҳам мумкин. Сиз қизни иш (ёки ўқиш) вақти тугагач, йўлда "тасодифан" учратинг ва уни кузатиб қўйиш учун изн сўранг. Таклифингиз қабул қилинишдан манфаатдор эканлигингиз юз-кўзингиздан билиниб турсин, яъни лабингизда табассум бўлсин. Шунда ё қабул, ё рад жавоби эшитасиз. Агар қиз розилик берса, йўл-йўлакай суҳбат давомида ёки хайрлашар чоғда учрашувга таклиф қилиш имко-

нига эга бўласиз. Мабоодо... унда қайфиятингизни туширмай, навбатдаги "тасодифий" учрашув учун замин ҳозирланг. Эртасига ёки бир-икки кунни ўтказиб, яна қиз билан "тасодифан" учрашинг, ҳол-аҳвол сўранг ва...

ёқтирганингиз ҳақида ҳеч кимга айтмаганингиз маъқул. Чунки деворнинг ҳам қулоғи бор. Қизлар ҳам йигитларни учрашувга таклиф қилишлари мумкин. Бунинг учун эса имконият топа билмоқ керак.

ОШИҚЛАР УЧУН ҚУЛЛАНМА

Ярми ҳазил...

Шуни унутмангки, қизлар "Мен сизга ёқмадимми?!", "Мен билан учрашишни хоҳламайсизми?" каби саволларни кўпам ёқтираверишмайди. Яхшиси, бундай саволларни бермаганингиз маъқул. Энг асосийси, қизлар билан суҳбатда ҳозиржавоб, қувноқ бўлинг. Яна озода қийинишни ҳам унутманг. Шунда омад сизга ёр бўлиши табиий. Қизлар учун: Севиб қолиш битта сизда учрайдиган ҳолат эмас. Буни кўнги, дейдилар. Яхшиси,

Дейлик, сиз таклиф қилувчисиз. Рад жавоби олишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун ҳамма нарсага руҳан тайёр турмоқ даркор. Аввало, йигит билан турли мавзуларда кўпроқ суҳбатлашинг. Шунда унинг сизга бўлган муносабати ва ички дунёси ойдинлашади. Суҳбатдошингизга китобий эмас, балки оддийроқ гапирганингиз маъқул, чунки китоб барибир китоб-да! Агар юзма-юз гаплашишга уялсангиз, у билан

кўпроқ кўнғироқлашинг (хат ёзишни ҳозир урфдан қолган, деб ҳисоблашади. Аслида эса бу жуда яхши усул, аммо у бироз эҳтиёткорликни талаб қилади!). Сим қоқинг-да, гап орасида: "Дуғонам учун кинога (театрга, концертга) билет олгандим.

У келолмайдиган бўлиб қолди. Афсус, билет қуядиган бўлди-да. Менга ҳамроҳ бўлмайсизми?"- деб сўранг. Розилик аломати сезилса, учрашув вақти ва жойини келишиб олаверасиз.

Сизнинг ташаббусингиз орқали амалга ошган учрашув пайтида йигит қизариб-бўзарса, аҳамият бермасликка интилинг. Ахир, у қилиши керак бўлган ишни сиз бажардингиз. Шунинг учун у хижолат чекаётган бўлиши мумкин. Ёки сизни учрашувга таклиф этишининг йўлини анчадан буюн тополмай юриб, қутилмаганда орзуси ушалганидан эсанки-

раётгандир. Ҳар икки ҳолатда ҳам натижа ягона: сиз доимий учрашув учун замин яратдингиз. Эндиги учрашувга йигитнинг ўзи сизни таклиф қилади...

Ҳамма учун: Сиз муҳаббат ёшида, имкониятлар бошидасиз. Аввало, умр йўлдоши танлашда адашмаслик зарур. Чунки келажакнингиз, бахтингиз кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Кимнидир учрашувга таклиф этишдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг: Бир-бирингизга муносибмисиз?! Табиатингиз, қизиқишларингиз бир-бирига мувофиқ келадими?! Шуни унутмангки, бахтни "ҳар кун топилади", дея ўйлаб, бепарволик қилиш ҳам, "бир марта берилди" дея шовма-шошарлик қилиш ҳам сизга фақат зиён келтиради. Бахтли бўлишни чин юракдан истагангиз ва чин бахтга интилсангиз, толе сизга ҳаммиша ёр бўлажак...

Бахти ЁР

Саҳифани Маъруф ТОШПҮЛАТОВ тайёрлади

Автобус йўлга тушгач, орқа ўриндик-да ўтирган киши ёнимдаги аёлдан сўради:

—Опа, сумкангиз металлфуруш аёллар-никига ўхшаш экан, шу иш билан шуғуллана-сизми дейман?

—Ха, нима ишингиз бор? — бобиллаб берди ҳалиги аёл. Нарёқда ўтирган хотин гапга қўшилди.

—Одамлар ҳозир ит сотганда, металл сотиш нима бўпти.

Яна бир аёл: — Ўзингни бил, ўзгани кўй, деган эканлар, биров билан ишингиз бўлмай, оғзингизни ёпиб ўтиринг.

СИЗ БУЮКСИЗ, БИРОҚ...

Бу аёлларнинг бирга эканликларини энди билдим. Уларнинг гапидан “Билганингни қил, қўлингдан нима иш келарди” деган маънони англаш қийин эмасди. Гапни бошлаган киши ҳам жимиб қолди.

Пул топишнинг энгилроқ усулини излаб, ноқонуний йўлга кирганларни оқлаб бўлармикан? Ачинар-лиси шуки, бозор иқтисодиёти шароити, деб турли қинғир йўллар орқали озгина

“фойда” қилиб “роҳат-ланаётганлар” ҳали ҳам орамизда учраб турибди. Бу ҳолат улғайиб келаётган ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсатмайди-ми?

Дўппи-ю, қийқ тикиб, фарзандларини ёлғиз ўзи улғайтирган, уларга ҳам оталик, ҳам оналик қилганлар ҳам ўзбек аёллари, ахир... Самарқанд вилояти Булунғур туманида бир онахон яшайди. Ҳосила аяни танимай-диган, бахтига ҳавас

қилмайдиганлар Булунғурда кам топилади. Етмиш ёшга яқинлашиб қолган Ҳосила ая ҳам ҳаётда кўп қийинчиликларни кўрди. Турмуш ўртоғи оғир хасталик туфайли вафот этганида тўнғич фарзанди Эркинжон эндигина ўрта мактабни битириш арафасида эди. Шунда ҳам Ҳосила ая иродаси синмади, олти фарзанднинг келажагини, бахтини ўйлаб сабр-бардош билан иш кўрди. Новвойхонада

нон ёпиб, болаларини улғайтирди, оқ ювиб, оқ тараб уларни тўғри тарбия қилди. Бирин-кетин мактабни битираётган фарзандларининг кўнглини чўктирмай ўқитди, олий маълумотли қилди.

Орадан йиллар ўтди. Фарзандлар вояга етиб, уйли-жойли бўлишди. Ва... ниҳоят Ҳосила аянинг чеккан машаққатлари унутилди. Йигирмага яқин невараларнинг севимли бувиси Ҳосила ая Мирзақулова ҳозир фақат яхши ташвишлар билан овора.

Дилрабо МУРАТОВА,
талаба

«Turkiston» qaldirg'ochlari



ИҚБОЛ МУЛЛАЕВ
МЕНГА ОДАМЛАР

Чечакларга кўнганда шабнам, Яширганда жамолин ҳилол, Тонгни кутдик иккимиз, санам, Гўё тонг ҳам ишқимиздан лол. Чаманларга булбул сўйлар роз, Ҳаёт куйин чалар субҳидам. Гўё тонгдек бу қандайин соз, Бахтимиз ҳам ёришар, эркам.

АЛОМАТ ДУНЁ

Эс танидим, тилимда калом, Етакларди кўлимдан онам. Айтар ҳаёт кўшигин олам, Таралгучи куйлар аломат. Шод ташлардим дадил қадамлар, Ҳилол каби беғубор дамлар. Иқбол тилар менга одамлар, Турли тилда сўйлар аломат. Одимимдан қувонган отам, Чорлар уйга меҳмон тумонат, Бизнинг халқдан чиққандир хотам, Жўшқин базм, тўйлар аломат. Алифбени ўргатди устод, Англаб етдим чексиз мавҳумот. Мендан талаб этарди исбот, Тенгсизликлар, сонлар аломат. Далаларда баҳорий эпкин, Фаслларда йўқдир ҳаловат. Бир-бирини имлашиб секин, Югурарди йиллар аломат. Сабза урди мўйлабим бир кун, Фикру ёдим ёрдир хуш қомат. Қувалашиб чопардик дуркун, Ул сеҳрли онлар аломат. Зерикиш-ла турдим тонг сахар, Пайларимда ёшлик шижоат. Сизга айтсам, антиқа шаҳар, Янги манзил, жойлар аломат. Хайём боқар маъюс, афтода Ижодимга тилаб камолот, Йиллар оша узатар бода, Даврамизда майлар аломат. Ўқиб чикдим Ҳадис, Куръонни, Танимизда жонлар омонат. Ватан дея кездим Туронни, Воҳа, тоғлар, сойлар аломат.

Шухрат НАСИМОВ

Luqma «ЙИГИТЧИЛИК» ШУНДАЙ БЎЛАДИМИ?

Одатдаги кундалик эҳтиёжлар сабаб ҳаммаша гавжум бўладиган пойтахтдаги “Фарход” бозорига тушдим. Ҳар гапгидек одам кўп. Зарур нарсаларни харид қилиш учун расталар оралаб кетаётганим, кулупнай сотаётган сотувчининг ёшгина жувон билан хушчақчақ гаплашаётгани диққатимни тортди. Кулупнай олмоқчи бўлиб нарҳини сўрадим. Саволим жавобсиз қолди. У ҳалиги жувон билан “банд” эди. Шу пайт аёл кулиб сўради:

— Бўлди, бўлди, овқат ейсизми?
— Овқат? Ейишим керак.

— Унда нонга пул беринг, овқатни ҳозир олиб келаман.

— Қанча?
— 150 сўм, чойи билан.

— Намунча қиммат, мен бу пулга ёнида ўйинчиси билан олам.

— Кундузи ҳам бунча ўйинчи, ўйинчи демасангиз, айтдим-ку, кечаси соат 12 дан кейин деб, бугун аниқ қоласизми ўзи, хотинингизнинг олдига кетиб қолмайсизми, қаранг, лекин зўр ўйинчи бор.

— Ҳўп, қоламан, қоламан. Лекин нарҳини келишмадик-ку.

— Ха, энди сиздақа “клиент”ларга белингиз синиб қолмайдиган қилиб келиштирамиз-да.

Аёл хандон отиб кулди. Унинг кулгусига сотувчи эркак ҳам қўшилди. Аёл “ҳўп” деганча нозли юриш қилиб кетди. Эркакнинг юз кўзларида эса шайтоний табассум ўйнар эди.

Ҳайрон бўлиб қараётганимни сезган сотувчи “йигитчилик-да” деб кўйди.

Ўғил-қизи йўлига интизор бўлиб кутаётган ота ва онанинг бу ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳалоллик, поклик, иймондан йироқ бундай инсонларни кўп учратиш мумкин. Баъзи эркаклар нопокликка қоришиб кетган ишларини “йигитчилик” деб ниқоблайдилар. Улар ўзларини шундай ниқоблашар, аммо сен-чи, қандай изоҳлайсан, ўзбек аёли?

Дилрабо МУРОД ҚИЗИ,
талаба

ОШХОНА ҲАМ МУАММО...МИ?

Ҳозирги кунда ҳам ошхона муаммо бўлиши мумкинми, дея саволимизга эътироз билдиришингиз табиий. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида ошхона — яъни талабалар тамадди қиладиган жойнинг йўқлиги биз талабаларни кўп ташвишлантирмоқда.


Айни пайтда факультетда 400 нафарга яқин талаба таҳсил олмоқда. Энди юқорида айтилган муаммо ҳақида тўхталсак. Ошхона номига бор. Бир кўришда озода ва чиройли. Аммо камчиликлардан холи эмас. У ерда иссиқ, совуқ сув ҳам йўқ. Газда эмас, плитада талабалар илтимоси билан сув қайнатилади. Овқатланадиган стол-стуллар ҳалигача парталардан иборат. Ошпазларимиз таржимонлик факультетидан тамадди учун ҳар хил ёгуликлар ва ичимликларни сотиб олишиб, бизга нарҳини қимматроқ қилиб сотишмоқда. Тўғри, йўлқира ҳаққи ҳам бор-ку? Бу ёгулик, овқатларнинг янгилигига эса улар томонидан қафолат берилмайди. Талабалар эса узоқдаги ошхоналарга бориб келишга улгурмай, ўзимизнинг “тансиқ” ёгуликлардан тановул қила қоладилар. Бу ҳолат талабаларни қониқтирадими? Қачонгача бу ҳол давом этади?

Наргиза ОРИПОВА,
талаба

КЕЛАЖАККА СПОРТ — ИШОНЧ УЙҚОТГАН ДАМЛАР

Ўзбек спортининг бугунги ва эртанги умидишончи, гурурига айланган “Умид ниҳоллари — 2002”нинг голиб ва совриндорлари бугунги кунда ўз ота-онаси, мактаблари илик кучоғида қайноқ фаолиятларини янги-ча ғайрат билан давом эттиришмоқда. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси ХТВ Ҳарбий ватанпарварлик, жисмоний тарбия ва спорт босқармаси бошлиғи **Турсункул МУХИДДИНОВ**дан мусобақа таассуротлари, қайд этилган натижалар ва голибларга берилган имтиёзлар тўғрисида сўзлаб беришини сўрадик.

— Таъкидлаш жоиз, дунёнинг бошқа мамлакатлари ва МДҲ давлатларида ҳам мактаб ўқувчилари ўртасида мусобақа ҳамда спартакиадалар ўтказилиб келинмоқда. Бироқ уларда биздагидек спорт билан шуғулланиш ва уни оммавийлаштиришнинг босқичма-босқич тизими ҳали йўлга қўйилгани йўқ. “Умид ниҳоллари” мусобақаси бўлиб ўтиши мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида спортни ривожлантириш ва вазиятни ўрганиб, фаолият юритиш имконини берди. Масалан, республикамизнинг Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида “Умид ниҳоллари —



2002”нинг сузиш бўйича босқич мусобақалари сузиш ҳавзалари бўлмаганлиги натижасида ўтказилгани йўқ. Фарғонада бўлиб ўтган мусобақалар жараёнида бу вилоятлар вакилларида ҳам спортнинг сузиш турига бўлган қизиқиш катта эканлиги уларнинг иштирокида ноқ намоеён бўлди. Шулар эътиборга олиниб, мусобақалардан сўнг юқорида санаб ўтилган вилоятларда ёшларимиз учун сув ҳавзалари бунёд этиш режалаштирилди. Агарда бу ўғил-қизларга ҳам “Умид ниҳоллари — 2002” мусобақасининг 70 фоиз медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлган Спорт шахридагидек спорт шароитлари яратиб берилса, улар ҳам юксак натижаларга эришишига аминман. Яна булар билан ишлаш учун малакали спорт мутахассислари ҳам талаб этилади.

“Умид ниҳоллари — 2002” тажрибаси республикамиз-

да спортнинг қайси турлари ривожланаётганини ўрганиш ва ривожланишдан орқада қолаётганларига ҳам эътибор қаратиш, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ҳамда “Ёшлик” КСЖлари фаолиятини ўрганиш имкониятларини берди.

— **Мусобақаларда голиб чиққан ўғил-қизлар қандай имтиёзларга эга?**

— Бу ёшларимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 23 мартда чиқарилган “Ўзбекистон ўқувчи-ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 157-рақамли Қарорига кўра, олий ўқув юрталарининг жисмоний тарбия кафедраларига имтиёзли қабул қилиниш ҳуқуқига эга. Бу борада ҳозир “Умид ниҳоллари — 2002” мусобақаси голиблари учун ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Воҳид БОЙМУРОДОВ,
«Turkiston» муҳбири

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини молиялаштиришда қарз олиб ўз ишлаб чиқаришини ташкил этишдан кўра қўшма тадбиркорликни ташкил этиш кўпроқ самара бермоқда. Бунга трансмилий корпорациялар доираларида ташкил этилган қўшма корхоналар, яъни уларнинг шўъба корхоналари ва филиаллари эришмоқда.

Трансмилий корпорациялар дунё иқтисодида катта роль ўйнайди. Бугунги кунда уларнинг сони тахминан 53 мингдан зиёд бўлиб, 450 мингдан ортқ хорижий филиаллари мавжуд. Трансмилий корпорациялар томонидан жаҳон ишлаб чиқариши ва савдосининг 1/3 қисми назорат қилинади ва уларда жаҳон ишчи кучининг 20 фоиздан ортқи банд.

Кейинги йилларда чет эл инвестицияларини иқтисодиётга самарали жалб этган Хитой ва янги индустри-

ал мамлакатлар деб аталувчи Жанубий Корея, Мексика, Бразилия ва Сингапурда янги трансмилий корпорациялар ташкил топди ва уларнинг қуввати тезлик билан

ТРАНСМИЛИЙ ҲАМКОРЛИК

Ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда қўшма корхоналарни ташкил этиш зарурлиги

лан ошиб бормоқда. Айниқса, Хитой 1970 йилларнинг охиридан бошлаб саноати ривожланган чет эл трансмилий корпорациялари капиталларидан самарали фойдаланишга эришди ва чет эл инвестицияларини рағбатлантириш механизмининг энг самарали йўлини ишлаб чиқди. Натижада 1990 йилларга келиб мамлакатда ёш, рақобатбардош трансмилий корпорациялар ташкил топди. Бу “янги тўлқинлар” жаҳон иқтисодиётини муваффақият билан эгал-

лашмоқда.

Дунё мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш иқтисодиётнинг устувор

йўналишларидан бири ҳисобланади.

Хорижий шериклар билан қўшма корхоналар барпо этиш дастури доирасида 2001 йил мобайнида республиканинг барча минтақаларида чет эл сармояси иштирокида 90 та янги корхоналар ташкил этилди ва уларнинг сони 3380 тадан ошиб кетди. Бу қўшма корхоналар маҳаллий, минерал ва хомашё ресурсларини нисбатан кам қиқимлар билан қайта ишлашга асосланган ҳолда товар ва хизматларнинг янги

турларини ишлаб чиқаришнинг кенг ўзлаштирмоқда.

Сўнги йилларда бозор иқтисодиётга асосланган ташки иқтисодий фаолият олиб бориш учун миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантирилиши, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун шарт-шароитларни яратилиши, ташки иқтисодий ҳамда валюта сиёсатини эркинлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши республика иқтисодиётига чет эл сармояларини янада кенгроқ жалб этиш учун қулай шароитлар яратди.

Бу ишларни амалга оширилиши ўз навбатида республиканинг инвестиция муҳитини яхшилашга ва унинг иқтисодиётига сармоя жойлаштириш ҳажмларини оширишга хизмат қиладди.

Фарход ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тингловчиси

Tilsimot

ЎЗ-ЎЗИДАН ЁНИШ МҮМКИМИ?

“Эшитишимизча, одамларнинг ўз-ўзидан алангалиниб, ёниб кетиш ҳодисаси мавжуд экан. Қадимда бир лаҳза ичида куйиб кулга айланганлар бўлган, дейишади. Бу физик ҳодисаами ёки...”

Садоқат ЖАЛОЛОВА,
Тошкент шаҳри”

Бундай гайритабиий ҳодисалар, жумладан инсоннинг бир лаҳза ичида ловиллаб ёниши ҳозир кўпчиликка эриш туюлса-да, учраб туради. Куйида содир бўлган воқеаларни ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг.

1725 йилда Париж меҳмонхонасида ғалати ҳодиса содир бўлади. Меҳмонхона хўжайини Жак Милени хотинини ертўлага тушириб кута бошлайди. Бироз муддат ўтгач ертўладан куюк ҳидини сезиб пастга югуради. Ертўлага тушиб қараса, у ерда хотини куйиб, бурқсиб ётарди.

Атрофдаги буюмлар эса ёнғиндан зарарланмаган эди.

1905 йил Хэмпшир графлигида ёнғин содир бўлади. Кичкинагина инглиз қишлоғида яшовчи чолкампири уйдан куйган ҳолда топишди. Барчани ҳайратга солган нарса эса хонадаги жиҳозларга ҳеч қандай зарар етмаганди.

Хўш, сабаб нимада? Аслини олганда, XX асрда одамларнинг ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳодисалари ўн тўққиз бор қайд қилинган. Мутахассисларнинг фикрича, ўлганлар-

нинг кўпчилиги ёниш олдидан қаттиқ сиқилиш ёки руҳий тушкунлик ҳолатида бўлган.

Швейцар олими Шумахорнинг фикрича, “Муайян шароитда энергиянинг одам организмидаги электр майдони билан таъсирлашуви катта қувват портлашларини келтириб чиқариши мумкин”.

Бошқа физик олимларнинг мулоҳазаларига қараганда, организм ҳужайраларида кечадиган термомядро реакциялари ҳам энергия манбаи бўлиши мумкин. Организм ҳужайраларида бошланган бу реакциялар атрофдаги жиҳозларга, ҳатто инсон кийимларига таъсир қилмас экан.

Зиёда АШУРОВА
тайёрлади

Рухшунос олимларнинг текширувларига асосан, инсоннинг табиатини билиш учун сочларига эътибор беришнинг ўзи кифоя қилар экан. Сочлар ранги, қаттиқлик даражаси ёхуд қалинлигига қараб бир-бирдан фарқ қилади. Сочдаги айнан мана шундай хусусиятлар секинлик билан инсонлар руҳига таъсир ўтказиб боради. Жумладан, тинч қора

СОЧЛАРИНГИЗ
ТАБИАТИНГИЗДАН
ДАРАК

сочли одамлар кучли қобилиятга эга, тез ҳаракатчан ва ақлли бўлишса-да, севги-муҳаббат бобида ўзгарувчан бўлар экан. Оқ сочли инсонлар эса қалби тоза, истараси иссиқ ҳамда турмуш ўртоғига вафодорлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бу фазилат сочи майин, бошқа рангдагиларга ҳам тегишлидир. Онласини ўйлайдиган, ночорларга раҳмдил бўлган инсонларнинг сочи сариқ рангда бўлади. Соци донм тўзиб юрадиганларнинг эса ичида бирон-бир сир бор.

Хуллас, агар сиз ҳам ўз табиатингизга хос бўлган нуқсонларини сезиб, ундан халос бўлоқчи бўлсангиз, руҳшунос олимларнинг маслаҳатига кўра сочларингизни тез-тез олдириб ташлашингиз лозим. Балки бу усул билан ўз камчиликларингиздан халос бўларсиз

Рустам СУЛАЙМОНОВ
тайёрлади



«Turkiston» qaldirg'ochlari

ОНА КЎЗЛАРИ

Оналар дунёнинг таянч тоғлари,
Дунёнинг юкини кўтаргай улар.
Гулзордир уларнинг сўлу соғлари,
Она дуоси-ла тиканлар гуллар.
Мен онам ҳақида ёзмоқчи бўлсам,
Етишмас дунёнинг кўп-кўп сўзлари.
Гоҳида ҳасратдан чечакдек сўлсам,
Жонга мадор бўлар онам кўзлари.



Умр қарвон мисол елар,
Тонг ортидан тунлар келар.
Ким билмайди, кимдир билар -
Ўтар ёшлик, ўтар ёшлик.
Келар ёшлик, кетар ёшлик,
Кимларнингдир кўзи ёшлик,
Ишқнинг умри кўп оташлик,
Ўтар ёшлик, ўтар ёшлик.



Муҳаббатнинг қурбони бўлманг,
Ишқсиз чўлнинг султони бўлманг,
Йигитларнинг армони бўлманг,
Қишлоғимнинг гўзал қизлари.
Бахт қасрининг бўлинг бекаси,
Ўйингизнинг бўлинг эркаси,
Умидли дунёни бўлинг эртаси
Қишлоғимнинг лобар қизлари.


Зухра АЛЛАЁРОВА,
Сирдарё тумани

ЖҲҲОРИМИ САЛАМ

Керакли масалликлар:

1 банка консерваланган жўхори,
4 та картошка, 4 та тухум, 4 та бод-
ринг, майонез, кўкатлар.

П и ш и -
рилган кар-
тошка, ту-
хум ва бод-
ринг ни
ма й да
тўрт бурчак
ш а к л и да
тўғрайсиз.
М а й д а
тўғралган
кўкат билан
жўхорини
солиб ҳаммасини
яхшилаб ара-
лаштирасиз.
Столга тортишдан
олдин майонез соласиз.
Ёқимли иштаҳа!



НИЛУФАР

Баҳор кайфияти давом этмоқда



Абдуғани ЖУМАЕВ олган суратлар

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР

Мамлакатимизда бозорлар фаолиятини такомиллаштириш, тадбиркорлар ва харидорлар учун унинг фаолиятини яхшилаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарали кечмоқда.

— Бугунги кунда бизнинг бозоримизда ҳам кўшимча қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари жадаллик билан амалга ошириляпти, — дейди “Қорақўл буюм бозори” акциядорлик жамияти раиси Нодиржон ака Собиров. — Бозоримиз 2002 йил 24 апрелдан деҳқон бозор таркибидан “Қорақўл буюм бозори” очик ҳиссадорлик жамияти сифатида ажралиб чиқди. 1 майдан бошлаб 0,5 гектар ҳудудда 152 та хусусий тадбиркор билан мустақил фаолият юрита бошладик. Бу жараёнда аввало бозор ҳудудини кенгайтириш ва кўшимча савдо ўринларини яратишимиз лозим эди. Чунки туман аҳолисининг барчаси мол-буюм харидларини шу бозордан

қилишларини инobatга олсак, анча торлик қиларди. Шу мақсадда унинг ҳудудини кенгайтириб, ёпиқ бозорга айлантириш, савдо қилувчи тадбиркорлар сонини ошириш режасини ҳам тузиб, вилоятимизнинг малакали архитекторларини жалб қилдик-да, улар билан биргаликда бозорнинг янги лойиҳасини мукамал ишлаб чиқдик.

Ҳозирги пайтда бу лойиҳа бўйича қурилиш монтаж ҳамда таъмирлов-тиклов ишлари давом этмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, бу борадаги ишларимиз бошида кўллаб-қувватлаб турган туман ҳокимлиги бизга анча кўмак бермоқда.

— Сезишимча, бу лойиҳани амалга ошириш жуда ям му-



ҳимга ўхшайди. Хўш, лойиҳа ишга тушса у пайтда бозорда қандай ўзгаришлар содир бўлади?

— Бозор оммавий жой. Халқимизда бир юртга борсанг бозорини кўр, мазорини кўр деган нақл бор. Ростдан ҳам бозорни кўриб юрт аҳолисига баҳо бериш мумкин. Агар бозорлар озода, дид билан тартибланган ва барча учун қулай тарзда қурилган бўлса бу халқ ҳақида яхши хулоса чиқариш мумкин. Бу юртга Аллоҳ ҳам марҳа-

матли бўлади. Шу маънода ушбу бозордан фойдаланиш самарасини ошириш учун ишлаб чиқилган лойиҳани амалда ишга тушириш лозим.

Бу лойиҳани амалга оширсак, унинг ҳудуди 1,5 гектардан ошиб ундаги тадбиркорлар сони яна 500 тага кўпаяди. Ҳаракатланиш йўлакларини кенгайтириб, савдо қилиш осонлашади.

Агар бугунги кунда бозорнинг ойлик даромади 600-700 минг сўмни ташкил қилаётган бўлса, режа бўйича янги лойиҳа 2002 йил охирида тўлиқ амалга

оширилганда бу кўрсаткич 5 млн. сўмга етади. Қуёшнинг иссиқ нурларидан ва ёнғин-сочинлардан ҳимояланган ёпиқ типдаги бозорга айланади.

— Бу ишларни амалга ошириш учун таянч бўлиши лозим. Бу масалани қандай ҳал қиляпсизлар?

— Барча ишларимизни иложи борича ўзимиз молиялаштиришга ҳаракат қиляпмиз. Янги лойиҳани амалга ошириш учун, аввало бозорнинг ўз даромадидан фойдалана-япмиз.

Февраль ойида акция чиқариб ундан тушган маблағларни ҳам бозор қурилишига сарфладик.

Бозоримиз ҳали ёш бўлганлиги сабабли ўзимизнинг маблағимиз фаолиятимизни ривожлантириш учун тўлиқ етишмайди. Миллий банкнинг Қорақўл туман бўлиמידан 7 миллион сўм қисқа муддатли кредит олиб уни ҳам лойиҳани амалга оширишга йўнал-

тирдик.

Кўшимча даромад олиш мақсадида бозор қошида савдо-харид фирмасини очганмиз. Бу ҳам бизга молиявий маблағларни ҳосил қилишда анча қўл келмоқда.

Биз “Қорақўл буюм бозори” очик акциядорлик жамияти раиси Нодиржон Собиров билан суҳбатимиз натижасида унинг бу ишга бутун борлиги билан берилганлигини англадик. Бу ерда бозор фаолиятини яхшилаш учун янги-янги ташаббуслар маъқул тарзда амалга оширилаётган экан.

— Бизнинг асосий мақсадимиз халқимизнинг харидини энгиллаштириш, туманимиз ривожланишига ҳисса қўшиш, — дейди у киши сўзини тугатар экан.

Ҳа, эл-юрт манфаати учун тиним билмайдиган заҳматқашлар ҳамisha қадрланади.

Иzzатулла ТАНГРИЕВ,
«Turkiston» мухбири

ХУШ ҚОЛ...

(Қисса)

(Давоми, боши ўтган сонларда)

— Сигаретингиздан чексам майлими?

— Мана, ёнингда. Мунақа нарсани сўраб ўтирма. Кемага тушганинг жони бир, нони ҳам бир деган гап бор.

— Раҳмат.

— Хўш?

— Бардан чикқанимиздан сўнг сайлгоҳга ўтдик. Қоронгу тушиб қолган, лекин сайлгоҳга ўрнатилган думалоқ чироқлар ёна бошлаган, бу ер сайлбоп эди, — деб давом этди Жаъфар тиззаларига тирсагини тираб, ойнага тикилганча.

— Мен шу пайтгача бирон қиз билан мундай юрмаган эдим. Ўқиш, ўрганиш, хаёл суриш билан...

— бундай сайрлар бўлишидан беҳабар эдим. У менинг тирсагимдан ушлаб олган, энди менга бироз суянаётгани ҳам сезилиб турарди...

— Хуллас, у айтдики, амаки, Самарқанддаги зиёли ота-онаси — аслида ўзининг чин ота-онаси эмас. Чин онаси олти яшарлигида Наманганда вафот эткан. Кейин отаси билан Самарқандга келишган экан. Отаси Самарқанддаги руҳоний мактабда дарс бераётган экан. Мустақиллик арафасида чет элга ўтиб кетибди. Ангелинани обкетолмабди-да, ўша зиёли оилада қолдириб кетибди экан. Аммо шундоқ ҳам Ангелина ўша хонадонда яшар экан. Уларнинг фарзандлари бўлмагани учун Ангелинани ўз қизларидек кўрар экан... Эшитвосизми?

— Жуда яхши эшитяпман, деди шофёр овозида сезиларли газабми, аламли билан. — Кейин бирдан бошини буриб сўради: — Отасининг нима учун хорижга қочиб кетганини ҳам айтдиими?

— Унчалик тушунолмадим, — деди Жаъфар. — Ўшанда домлаларга тазийк ўтди дедими-е...

— Лекин отаси ҳозир Нью-Йоркда яшар экан. Жуда катта бизнесмен экан.

Ойига аллақанча доллар юбориб тураркан қизининг номига. Ангелинанинг айтишича, ўғай ота-онаси ҳам ўша валюта ҳисобига жуда яйраб яшашар экан.

— Билмадим, — деди шофёр. — Фарзанд асраб олганлар, одатда яхши одамлар бўлишади. Ўша ўқитувчилар Ангелинани бағрларига олган вақтида бир кун "Отасидан доллар келади, маза қилиб яшаймиз", дейишмаган бўлса керак... Хўп, майли. Бу ёғи ҳақида кейин гаплашамиз. Сен давомини айт, ука.

XII

— Давоми нима бўларди... Тўй бўлди. Ангелинани Самарқанддан Тошкентга олиб келдик. Кейин уч кун бирга яшадик, холос.

— Жаъфар шундай деб шофёрга қаради. Назарида, у киши унга ялт этиб боқishi ва ҳайрат билан савол бериши лозим эдики, Жаъфар буни истарди ҳам. Бироқ шофёр гамгинлик билан қимтиб, ўзича бош ирғиб борар, баъзан бош чайқаб кўяр эди.

— Жаъфарнинг тоқати тоқ бўлди.

— Ўйимизда ўзини қандай тутганиниям айтиб берайми?

— А? Ҳа-Ҳа. Айтгин-да. Бу — жуда қизиқ. Ундай бизнесменнинг қизи сизлардек ўртаҳол интеллигентларнинг уйида ўзини қандай тутибди экан. Бу қизиқ... Гапиравер. Гуригимиз жуда қизияпти. Йул юрганимиз ҳам билинмаяпти. Мана, ҳаво ҳам очилляпти. Кўккам ҳавоси-да, жигар... Хўш уйга олиб келдинглар. Балки гапни Самарқандда бўлган тўйдан бошларсан?

— Жаъфар унга тикилиб қолди. Кейин ўйлабди: — Тўй, яъни, вечер "Афросиёб" меҳмонхонасида ўтди. — Лекин кўп нарса кетди, амаки. Бечора ота-онамининг бор бисоти кетди дейман. Бироз қарзга ям ботишди... Масалан ресторан залининг ўзи тўрт юз долларга тушди. Холбуки уларнинг ҳовлиси кен-

гина экан. Саҳнда жой қилса бўларди. Арзонга тушарди.

— Ангел қиз: "Ресторанда тўй қиласизлар", деб туриб олди. Шундайми?

— Худди шундай. Айниқса, "Мани "лимузин"да оборасизлар" дегани қимматга тушди. Олти юз доллар кетди. Самарқандда унақа мошина йук экан, Тошкентдан чақирдик.

— Хе, қисталоқ бойвачча, — деб кўйди шофёр.

— Жаъфар бироз жим қолиб, давом этди:

— Опамнинг ҳам йиғиб кўйган пуллари кетди. Вечерда беш юзтача одам бўлди. Тошкентдан бир автобус одам борган эди. Ойимми, дадамми, опамми танишлари — бирга ишлайдиганлари. Манинг телестудиядаги янги танишларим... Тўй жуда тез бўлиб кетди-да. Ўша учрашувимиздан бир ҳафта ўтгандан кейин уже совчилар вечер кунини белгилаб келишган эди. Ангелинанинг ота-онаси.. ўшалар: "Бўладиган иш бўла қолсин", дейишган экан.

— Қизимиз Америкага кетиши керак деган эканми? — деб кулимсиради шофёр.

— Йўқ, лекин Ангелина билан иккимизнинг шундай планимиз бор эди, — деб бошини эгди Жаъфар.

— Яшанглар.

— Амаки, кесатяпсиз-а?

— Албатта.

— Лекин ҳамон бир нарсани тушунмайман. Нима учун Тожикистон орқали кетиш керак?

— Балки қочоқларга кўшилиб кетишни ўйлагандир? — Жаъфарга елкаси оша гижини қаради ҳайдовчи. — Тошкент виза бермас эди барибир. Бу томонларини ўзинг яхши биласан. Биламан. Ҳабибниқига ўхшаган конторалар Душанбедаям бор экан. Ангелина кўп нарсадан хабардор экан.

— Ҳа, энди тайёргарлиги бўлган-да. Нью-Йоркни билар экан-ку, қойил. — Кейин яна Жаъфарга истехзоли жилмайиш билан қаради ҳайдовчи. — Сен рози бўлдинг-а шунга? Ростини айт. Рози бўлгансан. Шунча нарсани кўриб, билиб яна... Худоё кудратингдан! Ҳабиб журангнинг конторасига тупуриб кетганини эшитганимда қанчалик хурсанд бўлган эдим. Одамнинг кунлини тушуниш қийин экан-да. Тагин сен ўқиган, режиссёр, ақлли йигитсан. Қонунни, қонун нималигини жуда яхши биласан. Қонунни хурмат қиласан...

XIII

— Амаки, ман Америкага бораман девотганим йўғ-у...

— Лекин ўша қиз судраб қолса борасан. Ўша бизнес-

мени ҳам қоралаб борасан. Мени яхши ишга кўяди, деб ўйлайсан. Кўп долларли бўламан. Кейин Ватанга қайтаман, деб ўйлайсан. Ҳа, демак хотинингни ўша ерда қолдириб... Ажаб савдолар. Ҳозирги ёшларни тушуниб бўлмайди: доллар дейди, хориж дейди. Бу ёқда Ватан турибди, ота-она турибди, қариндош-уруғ.. Ҳа энди гиёҳвандлар ҳақида гапирмайман. Гапиршига арзимайди улар. Оқибати ўша бўлади. Ҳабиб журангга ўхшаб ҳаром ўлади. Мошениклар қамоқда чириydi. Ҳозир ўзимизда яхши сиёсат олиб борилляпти. Айниқса, наркобизнесга қарши... — Шунда ҳайдовчи сўздан қолиб, Жаъфарга тик қаради. — Ангел отасини қандай бизнес билан шуғулланишини айтмадиими?

— Йўқ, бизнес деди, шу — деб елкасини қисди Жаъфар ва мийиғида кулди. — Ҳарҳолда руҳоний одам наркобизнес билан шуғулланмаса керак.

— Ҳайдовчи — кўпни кўрган, кўпни кузатган шофёр хиринглаб кулди.

— Ёшсан-да ҳали. Дунёни яхши билмайсан. Менимча сен Ватанингни ҳам яхши билмайсан.

— Жаъфар Ҳабибнинг Ватан ҳақидаги гапларини эслади. Энди, ниҳоят унинг гапларида маъно-мантқиқ кўргандек бўлди. Ўшанда унга кескин гапирганига андак пушаймон бўлди. Кейин яна ўйга чўмиб, Ҳабибнинг ҳалок бўлгани учун орқасидан шу ўйга боргандек бўлди.

— Сигаретингизда...

— Олавер дедим-ку. Хўш, Ангел келиннинг уйларингдаги нағмаларидан ҳам гапирасанми?

— Жаъфарнинг тили кичиб кетди. Ўша галвалар ҳақида гапирса, ўзининг қандайдир айбларини оқлайдигандек бўлиб:

— Хонимнинг нағмаси эрталаб бошланди, — деди. — Яъни Тошкентга келиб тунаган кечанинг эртасига. Уйғониб кетиб, коридорга чиқдим. Ошхонада ойим газда нимадир қияптилар экан. "Ухла, ухлайвермайсанми?" дедилар. — Дадан ҳам дам оввоти. Кейин келин саломга чиқади..." Мен юз қўлимни ювиб, ётоққа кирсам, Ангелина тўшақда оёғини узатиб ўтирибди. "Принеси мне кофе", деди. Жа галати бўп кетдим. Юзни ювмай туриб-а?

— Сен кофе дамлаб келдинг?

(Давоми бор)

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар ҳокимлиги томонидан Рысбеков Руслан Раҳмонбердиевич номига берилган думалоқ муҳр ва бурчак штампни йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан Мусулмонов Шавкат Тожиевичга берилган яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи 0714316 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан Исроилов Иномжон Абдураҳимович номига № 1017392 рақамли берилган патент йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги "НИКСОН" хусусий фирмасига тегишли бўлган барча ҳужжатлар йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Тошкент шаҳар 41-хунар техника билим юрти томонидан 1996 йил 18 июнда Султонов Саидасқар Саидазимович номига № 4450 рақам билан берилган диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Мирзо Улугбек номили Тошкент Давлат университети томонидан 1999 йил 8 августда Ҳайитов Темур номига берилган В № 011145 рақамли Бакалаврлик дипломининг иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
Собир Раҳимов туманидаги Маннон Уйғур номили 22 - сонли ўрта мактаб томонидан Мансуров Шоазиз Шоасилиевичга 1992 йил 16 июнда берилган А035428 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.	Тошкент шаҳар Юнус-Обод туманидан рўйхатдан ўтган "Икромжон Умар ўғли" хусусий фирмасининг юмалоқ муҳри ва штампни йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
ООО "RIZOLI" Юнусобадского района г.Ташкента, код ОКПО 18107980 ликвидирован. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня опубликования объявления.	

БОШҚОТИРМА

1.Ўз муҳаббати, садоқати билан чин ишқ ва вафо тимсолига айланган персонаж. 2.Ривоятга кўра севгисини сақлаб қолиш учун сувга ғарқ бўлган қизнинг вужудидан пайдо бўлган гул. 3. Муҳаббат фасли. 4. Туйғунинг қабул этилмаслиги. 5.Ҳамиша муҳаббатга ҳамроҳ бўлган туйғу. 6.Севгилисини "Шоҳмен элга ва лек сенга кулдурум" дея улуғлаган шoir. 7.Афсонага кўра ошиқ хунарманд севгилисининг отаси кўйган шартни бажариш мақсадида умрбоқий матонинг ранглари ундан олган. 8.Аёлларнинг ҳуснига ҳусн кўшувчи савдогар. 9."Севилишни истасанг, доим... бўл", - дейилади халқ ҳикматида. 10.Манфаат юзасидан ўзида йўқ фазилатни бор қилиб кўрсатиш. 11.Бир боқишда муҳаббатга аксарият ҳолларда у сабаб бўлади. 12.У ўзингизга мос бўлса, чиройингизни оширади. 13.Йигитларни ром этишда қизлардаги бу хислатнинг ўрни беқийс. 14.Тўрт тактада уйналадиган жұфтлик мулойим рақс. 15.Халқ ҳикматида кўра бойбадавлат, кўркам аёлдан кўра бундай аёллар севилишга кўпроқ муносибдирлар.

1		М	
2		У	
3		Ҳ	
4		А	
5		Б	
6		Б	
7		А	
8		Т	
9		Х	
10		И	
11		Ё	
12		Б	
13		О	
14		Н	
15		И	

Тузувчи: Масьуд ТУРСУНЗОДА

ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА (20.05-26.05)

КҮЙ. Душанбадан пайшанбагача кундалик юмушларингиз билан шуғулланасиз. Ҳафтанинг дам олиш кунлари ўзингизни кўп уринтирманг, руҳан ўзингизни толиқтирманг. Оила аъзоларингиз билан кўпам баҳслашверманг, уларнинг гапларига кулоқ солинг.

БУЗОК. Ҳафтанинг сиз учун осойишта ва тинч ўтиши учун, атрофингиздагилар билан очиқ-ойдин баҳслашманг, сирларингизни ҳаммага айтиверманг. Ангел ҳолда уларни ўзингизга қарши қилиб кўясиз.

ЭГИЗАКЛАР. Сешанбадан бошлаб ушбу бурчда туғилганлар учун ҳушчақчақ кунлар бошланади. Туғилган кунингизни чиройли ўтказаман деб, ҳаммани югуртирасиз, ҳаменингизни "қуритасиз". Эсингизда бўлсин, туғилган кунингиз қандай ўтса, кейинги йил сиз учун шундай келди.

ҚИСКИЧБАҚА. Ҳафтанинг дастлабки кунлари ҳамма ишларингиз ўнгидан келади. Кейинги кунлар атрофингиздагиларга жаҳл қилманг, улар билан баҳслашманг. Оилангиздаги муаммоларингизни ўзингиз тинчгина ҳал қилинг, акс-ҳолда улардан ҳамма огоҳ бўлиши мумкин.

АРСЛОН. Жиддийроқ муаммоларингизни пайшанбагача ҳал қилганингиз маъкул. Акс ҳолда ёмон кайфиятингиз ва ўта мағрурлигингиз ишларингизни амалга оширишда ҳалақит бериши мумкин. Дам олиш кунлари фарзандларингизга кўз-қулоқ бўлиб юринг.

ПАРИЗОД. Ишингизга ўта вафодорлигингиз, ҳамма вақтингизни фақат ишингизга сарфлашингиз шахсий ҳаётингизда муаммолар туғилишига олиб келади. Ёдингизда бўлсин, оила аъзоларингизга гапингизни ўтказишга ҳаракат қилманг, улар устидан ҳукмронлик қилишга уринманг. Бу усул билан йиғилиб қолган муаммоларингизни ҳал қилолмайсиз.

ТАРОЗИ. Майда-чуйда ишларингизни аста-секин ҳал қиласиз. Шижоат билан ишлагингиз келади, лекин хатолар қилиб қўйишдан қўрқасиз. Шанба ва якшанба кунлари жиддий ишларни режалаштирманг, қутилмаган ҳодисалар уларнинг амалга ошишига ҳалақит беради.

ЧАЁН. Дастлабки кунларни тинч ва осойишта ўтказасиз. Кейин моддий томондан қийинчиликлар бошланади, оила аъзоларингиз билан ҳам уришиб қоласиз. Шунинг учун йирик ва қимматроқ нарсалар харид қилмай туринг.

ЎҚОТАР. Ҳамма режалаштирган ишларингизни пайшанбагача бажариб олинг. Кейинги кунлар тушунмовчиликлар сабабли кўпчилик билан келишолмай юрасиз. Ўзингизни руҳан ва қалб толиққан ҳис қиласиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Кунларингиз тинч ўтаётганидан алданиб қолманг. Атрофингиздагиларга яхшилаб эътибор бериб, улар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилинг. Бўлаётган воқеаларга безътибор бўлманг. Акс ҳолда сизни болаб "тушириб" кетишлари мумкин.

КОВҒА. Душанбадан пайшанбагача моддий томондан омадингиз келади, қўлингизда пул аримайди. Лекин шунга қарамай, харажатларингизни даромадингизга мослашга ҳаракат қилинг. Иложи бўлса пул йиғиб қўйинг, кейинчалик керак бўлади.

БАЛИҚ. Аслида тинч ва сокин бу бурж вакилларининг жаҳлини чиқариш қийин. Лекин бу ҳафта уларни танимай қоласиз, рашк ўтида нақ Отелло бўлиб кетади. Хулқ-атворидаги жиззакилик ва тез ҳафта бўлиш юзага чиқиб, ҳаммани қийнаб юборади.


Ko'ngil ijodxonasi

НИГОХЛАРИ КЎЁШИМ



Осмон дейсан, нима у,
Нигоҳлари кўёшим.
Кўзларимда порлаган,
Битта бўлагим катта.
Қара дейсан, чаманзор,
Кўзим қувнамади-ку,
Гулзорлардан эшитгин,
Шу гул тилагим катта.
Тўсди ҳатто кўёшни,
Бургутларми, шох қушидир.
Улардан менинг митти
Бир капалагим катта.
Оҳ, бу олам... гапирма!
Сен борсан-ку қалбимда!
Кичкинаман, мен ўзим,
Аммо юрагим катта!

Кўзи қора маликам,
Гули сара маликам.
Битта менинг юрагим,
Пора-пора, маликам.
Дунё эрмак, маликам,
Гоҳо эртак, маликам.
Битта менинг юрагим,
Ёмон юрак, маликам.
Юзлари оқ, маликам,
Сўзлари оқ, маликам.
Битта меңинг юрагим,
Бўлмади соғ, маликам.
Савол оғир, маликам,
Завол оғир, маликам.
Битта менинг юрагим,
Беҳол, оғир, маликам.
Ғамлар сингил, маликам,
Кўзинг кўнгил, маликам.
Битта менинг юрагим,
Йиғлар, сен кул, маликам.



Н.га
Иккинчи қават —
Дилни куйдиради бир ўтли нигоҳ,
Оламни тўлдирди сукут жаранги.
Чақиллар уйғонди юракда, бироқ
Билмайман сарикми, қизилми ранги.
Иккинчи қават —
Яшил насимларнинг туйдим бўйини,
Муҳаббат кўёши кўнди кўксима.
Бизга нима, ахир, дунё ўйини,
Жон кўнгил, ўксима, кўнгил, ўксима.
Иккинчи қават —
Осмонда тўй қилар бир тўп қушчалар,
Ерда гуллаиверар, бу гуллар ёмон.
Муҳаббат асрайди, ахир, қанчалар,
Отилган тошлардан кўнгилни омон.
Иккинчи қават —
Мени қучоқлади бир ўтли нигоҳ,
Кўнгил исёнини йиғиб бўлмади.
Осмон жуда яқин, мумкиндир чиқмоқ,
Лек иккинчи қаватга чиқиб бўлмади.

Манам битта мусофир
сафарга келдим, эй дил,
Енгмоқ учун дунёни
зафарга келдим, эй дил.
Ҳар қадамда минг тузоқ,
қондир юрак, кўнгил доғ,
Уйлаб қарасам бундоқ,
хатарга келдим, эй дил.
Ҳар бир нафасим эҳсон,
англа юрак, англа жон,
Қалбимни, борки имкон,
айтарга келдим, эй дил.
Жонни жонга тутай деб,
тоқатдан кўп кутай деб,
Не ғам келса ютай деб,
кадарга келдим, эй дил.
Рухимни нурга қориб,
юрсам тун бағрин ёриб,
Боримни сенга-бориб
тутарга келдим, эй дил.

Ойдин кучоғимда бир гул йиғлади,
Бир гул йиғламади, кўнгил йиғлади.
Бу не лаҳзадирки, минг йил йиғлади,
Сен нечун йиғладинг...
Мен йиғламадим.
Юрагим тош экан, тошлар йиғламас,
Ким айтар сабрлар, дошлар йиғламас,
Фошлар ёлғон йиғлар, лошлар йиғламас,
Сен нечун йиғладинг...
Мен йиғламадим.
Сочилган тунларни туймайми эди,
Кўзларим кўйида куймайми эди,
Суймайми, суймайми, суймайми эди,
Сен нечун йиғладинг...
Мен йиғламадим.
Ёндим, юрагимда кўёш оқмоқда
Ва ёки кўзимдан қон ёш оқмоқда,
Ахир, оғир-оғир бардош оқмоқда,
Сен нечун йиғладинг...
Мен йиғламадим.

Олам, менга армонларинг ҳисса бўлар,
Ўзи шундай бору йўғим ғусса бўлар.
Буюк тоғлар битта ғаним кўтаролмай,
Кичик кўксим олдиди ҳўб изза бўлар.
Кўзим, мана қизгалдоқлар қорасида,
Наргисларим маликадир орасида.
Юраккиман ялтизлардай норасида,
Ифорида дилбар олам тузса бўлар.
Орзуларим осмон каби фирузадир,
Чарҳда кимдир гул экар, ким гул узадир.
Экин эмас, нафасидан дил эсадир,
Ёзай десам, шу дил минта қисса бўлар.
Мен қалбимни олиб келдим қароғимда,
Минг малохат бўйи жавоб — сўроғимда.
Келдим, ана, олиб кетай Буроқимда,
Келган балки бинафшадай жусса бўлар.
Олам ғаму андуҳларинг ҳисса бўлар,
Ўзи шундай бору йўғим ғусса бўлар.
Баланд тоғлар битта ғаним кўтаролмай
Кичик кўксим олдиди ҳўб изза бўлар.

Файрат МАЖИД

Siz uchun foydali БАХТЛИ БЎЛИШ СИРИНИ БИЛАСИЗМИ?

Кизик, инсон бахтли бўлиши учун нима қилиши керак? Кўпгина файласуфлар, шоир-ёзувчилар ўз асарларида "инсоннинг тақдирини ўз қўлида" деган фикрни илгари сурадилар. "Аёл кишини бахтли қилиш учун кўп нарса керак эмас", деган экан яна бир файласуф. Балки, эрақ кишини бахтли қилиш учун ҳам кўп нарса керак эмасдир.

Буюк француз файласуфи Жан Жак Руссо бахтли бўлиш учун уч омил даркор, деб ҳисоблаган: банкдаги яхшигина маблағ, яхши ошпаз ва яхши ошқозон. Аммо Американинг "Бугунги психология" журналида бу борада ҳақиқатга яқинроқ хулосани психолог айтган: "Агар бахтли бўлишни хоҳласанг, бўл!" Демак, сиз бемалол ўз ҳаётингизни яхшилашингиз мумкин. Дикқат қилинг, америкалик психологлар бахтли бўлишнинг етти аниқ усулини кўрсатиб беришди:

1. Яқинларингизни севинг. Кўпроқ вақтингизни ўзингиз севган одамларга ажратинг. Шунда сиз тез-тез ўзингизни бахтли ҳис қиласиз.

2. Ўзингизга ёққан соҳага бутун кучингизни беришга ҳаракат қилинг. Агар ишингиз сизга ёқса, кўпроқ ишланг. Ёқмаса, уни ўзгартиришга ҳаракат қилинг: бу охирида сиз учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали бўлади. Ишда умримизнинг кўп қисмини ўтказар эканмиз, бу вақт сиз учун азобга айланмаслиги керак.

3. Бошқаларга ёрдам қўлини чўзишга ҳаракат қилинг. Бошқаларга ёрдам бера туриб, энг аввало ўз-ўзга ҳурматингиз ошади. Шунингдек, ўзингизни жисмоний ва руҳий зўриқишлардан ҳимоя қиласиз. Ҳаётдан қониқиш ҳиссини кучайтириш бу бахтга яқинлашидир.

4. Бахтли бўлишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни назорат қилинг, ўйлаб кўринг: нима сизга яхши кайфият бағишлаши ва хурсанд қилишини аниқлаштиринг ҳамда шунга интилинг. Албатта, бу тўғри йўлдаги иш бўлиши лозим.

5. Жисмонан серҳаракат бўлинг. Ҳозирча негалиги аниқ эмас, аммо жисмонан фаоллик ҳар қандай соғлом кишига "ҳақиқий роҳат бағишлайди. Академиклардан бири буни "мушак хурсандлиги" деб атаган. Шундай фикр

борки, мушаклар ҳаракатидан мия эйфория ҳолатига олиб келувчи, ўзига хос, табиий наркотик ишлаб чиқаради. Югура-сизми, рақс тушасизми, теннис ўйнайсизми, ўзингизга қулай бир спорт турини танланг. Ҳеч бўлмаса, тонгда бир ҳовлига сув сеиб чиқинг, ёки қиш бўлса, йўлақдаги қорни кураб ташланг ва сиз ўзингизни бахтиёр ҳисоблай бошлайсиз.

6. Ҳаётингизга янгилик киритиб туринг. Бизни болалигимиздан фақат бир маромдаги ҳаёт яхшилигини уқтириб тарбиялайдилар. Доимий кун тартиби, ўзгармас одатлар, бир иш жойида турғунлик, бир қолипдаги муносабатлар, ҳар доимги қаҳвахона ёки кинотеатр, таътилни ҳамиша бир жойда ўтказиш — булар барчаси ёмон эмас, аммо инсонга вақти-вақти билан янгилик, ривожланиш (импровизация) имконияти керак. Вақти-вақти билан бирор ўзгариш қилинг, масалан: баъзан ишга бошқа янги йўл билан боринг, янги хобби эгаси бўлинг ёки ноанъанавий мавсумда таътилга чиқинг.

7. Гоҳ-гоҳ ўзингизни жуда бахтсиз ҳис қилсангиз, умидсизликка тушманг. Бу руҳий ҳолат қонуни, яъни бугун сиз бахтли бўлсангиз, эртага эса сизга тескари кайфият ҳамроҳ бўлиши мумкин. Ахир "ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ бўлади" деб бежиз айтишмаган.


Ҳа, руҳшунослар ўргатган усуллар ёмон эмас. Аммо, кўринишидан, Руссо "биринчи омил банкдаги яхшигина маблағ" деганда бир оз адашган. Чунки бу масала АҚШда бир неча йиллар аввал ўрганилган. АҚШда 1946 йилдан 1978 йилгача аҳолининг ҳаёт даражаси ошган. Аммо, социологик сўров ўтказилганда, улардаги "бахтсиз"лар миқдори ўзгармаганлиги аниқланган. Балки бу ҳақиқатни бизнинг ота-боболаримиз XIX асрдан илгарироқ англаган бўлсалар керак. Чунки Шарқда кенг ёйилган тасаввуф илмида фақирликдаги бахт туйғуси улуғланади. Демак, бахтли бўлиш на бойликка, на ошқозонга, на ошпазга боғлиқ экан. Бахтли бўлиш инсоннинг ўзига боғлиқ!

Дилдора ЗУВАЙТОВА

БОШҚОТИРМА

ЭНИГА: 2.Австралия туяқуши. 5.Турмуш манзараларини тасвирловчи рассом. 8.Куриётган денгиз. 9.АҚШдаги водий. 12.Ахборот агентлиги. 14.Тошпахта. 17.Испанча рақс. 18.Бугдойдан қилинган Хитой ароғи. 20.Буйрак яллиғланиши. 23.Испания кироли Хуан Карлос 1992 йили халқаро спорт ҳаракатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Самаранчга берган унвони. 24.Чой қолдиги. 25.Шимолий кутб сувларида яшайдиган қимматбаҳо патли ўрдак. 26.Тоғли ерларда ўсадиган гули ёқимсиз, танаси тиканли бута. 28.Анқаранинг қадимги номи. 31.Соқоли чикмаган йигитча. 32.Денгиз манзараси тасвирланган расм. 34."Темир мушт" лақабини олган боксчи. 36.Турли имтиёзлар берилганлиги қайд этилган ёрлик. 37.Польшада Давлат ҳокимияти олий органи. 39.Инерт газ. 41.Ернинг Шимолий кутб вилояти. 42.Мезозой эрасининг иккинчи даври.

БЎЙИГА
1.Кўзон хони Умархоннинг шоирлик таҳаллуси. 3.Францияда яшаган қадимги халқ номи. 4.Урта Осиёдаги дарё. 6.Идиши билан биргаликдаги оғирлиги. 7.Тошкентнинг ўн икки дарвозасидан бири. 10.Футбол кироли. 11.Эрақлар исми. 13.Бўйволнинг сувда яшайдиган бир тури. 15.Токио яқинидаги Масбаша шаҳрида жойлашган ресторан. 16.Англиянинг майда танга пули. 18.Майда денгиз балиғи. 19.Машҳур ҳинд шахмат устаси. 21.Одам, киши. 22.Жанубий Америкадаги тоғ. 27.Ароқ, ром ёки коньякдан шарбат қўшиб тайёрланган иссиқ ичимлик. 29.Катта денгиз қисқичбақаси. 30.Эртагишар шафтоли нави. 32.Ҳаром ўлган мол. 33.Испания футбол жамоаси. 35.Қадимги Миср ҳокими. 36.Енгсиз узун раққосалар кийими. 38.Халқ маънавиятининг асоси.



Тузувчи: Тожиали УМАРОВ



Turkiston
МУАССИС:
«КАМОЛОТ» ЕШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

Газета Ўзбекистон
Давлат Матбуот
қўмитасида
№ 00012 рақам
билан рўйхатдан
ўтган.

Босишга топшириш
вақти-21.00
Топширилди
21.00
1 2 3 4 5 6

Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А-3.

Бош муҳаррир:
Салим АШУРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ, Комил ЮСУПОВ, Аслиддин БОЛИЕВ, Юсуф ЖҲУРАЕВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир МАХСИТОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Исрол ҲАМРО, Файрат ШОУМАРОВ, Авазхон СОДИҚОВ, Насриддин МУҲАММАДИЕВ, Шоазим МИНОВАРОВ, Ғаффор ҲОТАМОВ, Абдуғани ЖУМАЕВ

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланиши мумкин.

Вилоят муҳбирлари:

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича —
Термизда: 8-37622 — 3-53-88

Бухоро ва Навоий вилоятлари бўйича —
Бухорода: 8-365-223-37-44

Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари бўйича —
Гулистонда: 8-3672-24-02-86

Фарғона, Андижон вилоятлари бўйича —
Фарғонада: 8-3732-24-54-61

Наманган вилояти бўйича — Наманганда: 8-36922 — 6-10-70

Самарқанд вилояти бўйича — Самарқандда: 8-3662 — 34-43-89

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича —
Ургачда: 8-36222 — 7-45-22

Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма Г. — 31 10. Адади-8428

Газета таҳририят компьютер марказида терилли ва саҳифаланди

Манзилнинг:
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: 133-95-97,
Реклама бўлими:
(3712) 133-79-69

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилади.

Навбатчи муҳаррир:
Нилуфар САЪДУЛЛАЕВА

Саҳифаловчи:
Нодирбек ОРТИҚОВ